БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН | № 236 (16.622). | 8 октябрь, 1976 йил жума | Баҳоси 2 тийин.

БУТУН УРУҒЛИК ПАХТА ХИРМОН ҚИЛИНДИ

Республикада уруғлик пахта тайёрланиб бўлинди. 539 минг тонна биринчи сорт пахта хирмон қилиб қўйилди. Бу пахта ғўзанинг қуйи қисмидан терилди. Кўкламгача шу пахтадан 250 минг тонна уруғлик тайёрланади. Бунча уруғ Узбекистон колхоз ва совхозларидан ташқари пахтакор республикаларнинг нўпгина хўжаликларига ҳам етади.

Иш технологияси такомиллашган корхоналарга уруғлик чигити ажратиб бериш вазифаси топширилди. Корхоналарнинг ўзида ҳам ихтисослашган участкалар шу иш билан банд бўлади. (ЎзТАГ).

ЖИЗЗАХ ОБЛАСТИ. Мирзачўл районидаги Абай номли совхознинг донгдор бригада бошлиғи, Ленин ва Меҳнат Қизил Байроқ орденлари навалери Расул Ҳайдаров бошчилик қилаётган бригада пахтакорлари съездлар йилида 220 гектар чайдоннинг ҳар гектаридан 60 центнердан «оқ олтин» хирмони бунёд этишни кўзлаб, йиғим-теримни зўр уюшқоқлик билан ўтказишмоқда. Бригаданинг Қўшмурод Сатторов, Тоир Қиёмов, Эргаш Бойматов, Шариф Нарзиқулов сингари дала гвардиячилари мавсумда 250 — 300 тоннадан пахта териш мажбуриятини олиб, ҳар куни 15-18 тоннадан дурдона тўкмоқдалар. Суратларда: (юқорида) моҳир механизатор, комсомол аъзоси Қўшмурод Сатторов, пастда эса бригада далаларида машина терими.

Ф. Лутфуллаев фотолари.

ТЕРИМДА ЖАСОРАТ КЎРСАТАЙЛИК

Республикамизнинг барча механизаторларига

Азиз ҳамкасб дўстлар!

Биз сизларга мурожаат этишга, юрак сўзларимизни айтишга қарор қилдик. Халқ, партия олдида берган сўзимизнинг устидан чиқиш, ваъдага вафо қилиш, зиммамизга олган социалистик мажбуриятларимизни бажариб, механизаторлик касбини шарафлаш тўғрисида гап бораётгани учун ҳам фикримизга қўшиласизлар деган умиддамиз.

Биз қалбимизда туғён ураётган сўзларни КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўрток Л. И. Брежневнинг Франция телевидениеси обзорчиси билан суҳбатидаги «Ишимизнинг ҳозирги вақтдаги бош йўналиши тўғрисида гапирадиган бўлсак, бу — КПСС XXV съезди қарорларини амалга ошириш, ва аввало, одамлар турмушининг моддий ҳамда маданий даражасини янада оширишни таъминлаш, уларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилашдан иборатдир» деган сўзларидан бехад қувонган ҳолда ёзмоқдамиз.

Ўрток Л. И. Брежнев биз беш йилликни яхши бошладик. Асосий кўрсаткичлар бўйича пландан анча илдам боряпмиз. Аммо ҳал этилмаган проблемалар ва қийинчиликлар ҳам бор. Бизнинг имкониятларимиз хўжаликни яхшироқ юритиш, жамият олдида турган катта ва мураккаб вазифаларни муваффақиятлироқ ҳал этиш имконини беради, деб ҳисоблаймиз, деди. Бу сўзлар ҳаммамиз ва ҳар биримиз учун жанговар программадир.

Республикамиз меҳнат аҳли Узбекистон Компартияси Марказий Комитети раҳбарлигида ўнинчи беш йилликнинг биринчи босқичи — 1976 хўжалик йилини яхши бошлади. Табиий офатлар, об-ҳаво қийинчиликларини енгиб, пахтадан мисли кўрилмаган юқори ҳосил етиштирди. Бугун шуни мамнуният билан айта оламизки, 5 миллион 300 минг тонналик «оқ олтин» хирмонига мустаҳкам замин яратганмиз.

Пахта терими ҳар жиҳатдан пухта тайёргарлик билан бошланди. Механик-ҳайдовчилар, теримчилар, тележкачилар, шофёрлар — ҳамма зиммасига конкрет мажбуриятлар олди. Механизаторларимиз ялпи ҳосилнинг камида 3 миллион тоннасини машиналарда териб олишга сўз бердилар. Ҳамма ва ҳар бир киши мажбуриятини тўла ва ошириб бажариш учун кунларни тунларга улаб меҳнат қиляпти.

Пахта тайёрлашнинг борыши ҳақидаги бугунги маълумотга кўз ташлайлик. Тайёрлаган пахтамиз 3,5 миллион тоннадан ошиб кетди, унинг деярли 50 процени машиналар бункерларидан тўкилди. Қўлга киритган зафаримиз механик-ҳайдовчиларимиз билан теримчиларимиз ҳамкорликда олиб борган бунёдкорлик меҳнатининг мевасидир.

Механизаторларимиз қаҳрамонлик намуналарини кўрсатиб ишлаяпти, илғор ҳамкасбларимиз 300-400 тонналик маррани эгаллади. Ҳар куни меҳнат унумдорлигини ошира бориб, бункерлардан 18-20 тоннадан дурдона тўкаётган механизаторлар кўп, уларнинг сафи кенгайяпти. Тошкент областининг механизаторларига қойилмиз. Улар дефолиацияни сифатли ўтказишди, теримни вақтида бошлашди, мусобақани кучайтириб, теримда суръатга қанот бахш этишди. Юқори Чирчиқ ва Қуйи Чирчиқ районлари республикамизда биринчи бўлиб пахта тайёрлаш йиллик планларини бажарган экан, бу машиналар шарофати, механизаторлар шижоатидир.

Сирдарё ва Жиззах областларининг механизаторларига ҳам таҳсинлар айтамиз, улар кўсакларни ёппасига очилтириб олиб теримга киришдилар, кунлик ўсишда энг юқори кўрсаткичга эришмоқдалар. Йиллик пахта тайёрлаш планларини 12-15 иш кунида бажариш уларнинг жанговар шиорига айланди. Уларнинг машиналар қувватидан оқилона фойдаланишдаги тажрибаларидан ўрнак олса арзийди.

Биз қўл теримини камситмоқчи эмасмиз. Лекин етиштирилган ҳосилнинг ҳаммасини шаҳарликлар, студентлар, мактаб ўқувчилари ёрдамисиз фақат машиналарга таяниб йиғиб-териб олиш ташаббуси билан майдонга чиққан, сўзини амалий ишда оқлаган ва оқлаётган хўжаликлар, районларга ҳавасимиз келади, улар келажаги порлоқ ёркин йўлдан олға бораётирлар. Ҳадемай ҳосилнинг ҳаммаси машиналар, механизм-агрегатлар билан тўла териб олинадиган вақт келади, бунга тўла ишонамиз.

Пахта тайёрлашнинг борыши ҳақидаги маълумотни таҳлил қилган кўзларни пахта далаларига қаратайлик. Йил — ўн икки ой пешана тери тўкиб, давлатимиздан ёрдам олиб етиштирган пахтамизнинг катта қисми ғўза тупларидаги чаноқларда турибди. Уни тез ва тоза териб олиш қалбида виждони, билагида кучи бор ҳар бир кишининг муқаддас бурчидир, бугун ҳеч ким теримдан четда турмаслиги керак.

Кейинги кунларда ҳаво ўзгариб, айрим жойларда ёғингарчиликлар бўлди, машиналар вақтинча юролмай қолди, одамларнинг кайфияти бузилди. Бундан кейин ҳам ҳаво исиб кетади, ёғингарчиликлар бўлмайди деб ҳеч ким кафолот бера олмайди. Биз пахтани том остида эмас, балки очиқ майдонларда етиштирганмиз. Демак бундан кейин ҳам қийинчиликлар юз бериши мумкин. Бунинг устига кун қисқариб боряпти. Вазият ҳар бир механизатор тоғ ятда тадбиркорлик билан иш тутишини тақозо этяпти.

Шуни алоҳида таъкидламоқчимизки, ҳозир камчиликларни афсусланиш билан тилга олиб ўтириладиган фурсат эмас. Ҳозир ҳамма ва ҳар бир кишининг ўрни пахтазорда бўлмоғи, бугун кечагидан, эртага бугунгидан кўп ва сифатли пахта теришга эришилмоғи керак. Пахта терими — жанговар фронтдир. Бу фронтда гвардиячилик ролини ўйнаш механизаторларимизнинг шарафли бурчидир.

Биз кўп йиллик, ҳусусан 1976 йилги мавсумнинг тажрибаларига таяниб, барча механизатор ҳамкасбларимизга қуйидаги маслаҳатларни бермоқчимиз.

Ҳамма терим машиналарини ишга тушириш ва тўла қувват билан ишлатиш керак. Бир кунда бир ярим-икки кунлик график миқдорида пахта терилишини таъминлаш барча механизаторларимизнинг бурчига айланмоғи лозим. Мавсумда ким қанча пахта териш мажбуриятини олган бўлса, шу кунларда ғайрат отига қамчи босиб юксак чўққиларга кўтарилиб, олсин, эрта ўтиб индинга кўзларан маррага етиш қийин бўлиб қолади. Ҳар бир машинада камида 8-10 тонна пахта теришга эришайлик, машиналарни икки сменада ишлатайлик!

Автотрактор парклари, дала шийпонлари ёнидаги бостирмаларда терим машиналарининг бир қисми турли сабаблар билан бекор турибди. Халқ назоратчилари бунинг сабабини аниқлашлари керак. Ремонт-талаб бўлса, «Узсельхозтехника» район бирлашмалари, колхозлар ва совхозларнинг устахоналари ходимлари ремонтдан чиқариб берсинлар. Пайкалларда бекор туриб қолаётган машиналар ҳам йўқ эмас. Кўчма устахоналар тез ёрдам кўрсатиш ишларини кучайтирсин. Шу кунларда бирорта машинанинг бекор туриб қолишига йўл қўймайлик.

Меҳнат унумдорлигини кўтариш керак. Бунинг учун теримни тонг саҳарда бошлаб, қош қорайганда тугаллаш, иложи бўлса машъалалар ёқиб терим ўтказиш лозим. Илғор механизаторлар кунига 18-20 тонна, ҳатто ундан ошириб пахта теряпти, 12-15 тонналик маррада юрганлар ҳам бор, айрим механизаторлар ўз имкониятлари даражасида пахта термаяпти. Нисбатан қолоқлар ва ўрта меъёрда ишлаётганларни илғорлар даражасига кўтариш билан ялпи юксалишга эришайлик. Бу, суръатни оширишда муҳим резервдир. Ушбу хат муаллифлари ҳозиргача 280 тоннадан 400 тоннагача пахта теришди. Ҳамма механизаторларни бизлар билан тенглашишга ва бир сафда бориша чақирамиз.

Дала — бункер — тележка — пунт методини кенг қўлланайлик. Бундай дейишимизнинг боиси бор. Айрим хўжаликларда пахта ерга тўкилиб, ифлосланишига йўл қўйиляпти, сорт бузиляпти. Вахолонки даладан терилган пахта бункердан тележкага тўкилиб пунктга жўнатилса, бир иш икки бўлмайди, сортга раҳна тушмайди. Бу ишда ташкилотчи кишилар машиналар билан тележкалар қатновини бир-бирига уйғунлаштирмоқлари лозим. Узилишга асло йўл қўймаслик керак. Қабул пунктлари аниқ ишласин, сансалорликка имконият бермайлик. Ҳужжатларни вақтида аниқ расмийлаштириш керак. Механик-ҳайдовчи ҳар соатда қанча пахта тергани, тележкачи қанча пахта ташиганини билиб турса, янада ғайрат билан ишлашга ҳаракат қилади, бир группада ишлаётган механизаторлар бир-бирларининг ишидан хабардор бўлиб туради.

Пахтани ҳалол меҳнат, давлатимизнинг катта моддий-техника ёрдами билан етиштирганмиз, унинг бир мисколини исроф қилишга ҳеч кимнинг ҳақи йўқ. Вахолонки, айрим жойларда пахта тўкилиб-сочилиб ётибди, баъзи механизаторлар терим пайтида нуқсонга йўл қўяяпти. Шуни айтиш керакки, ёмон машина йўқ, механизатор ўз санъатини ишга солиб ишлатса ҳар қандай машинада ҳам кўп ва тоза пахта териш, нобудгарчиликка йўл қўймаслик мумкин. Шунинг учун машиналарни оқилона ишлатайлик, айни кезда тўкилган пахтани терадиган, кўсак узадиган, кўсак чувийдиган механизм-агрегатларни ҳам дала бошига келтириб қўяйлик.

Ҳар бир механизатор ўзига ўзи ҳисоб бериб кўрсин, ҳар биримиз мавсумда шунча пахта тераман деб сўз берганмиз. Уни бажармаслик механизаторлик касбига доғ тушириштир. Орқада қолаётган, ўз имкониятлари даражасида ишламаётган механизаторлар шу ҳақда ўйлаб кўришсин. Шогирдларни оталиққа олганмиз, улароинг унумли ишлашига кўмаклашайлик.

Азиз ҳамкасб дўстлар! Биз дилимиздаги гапларни айтдик. Терим суръатини ошириш, сифатини яхшилашга тааллуқли бошқа қимматли фикрларни эшитишга тайёрмиз. Бизларнинг халқ, партия олдидаги бурчимиз машиналарда камида 3 миллион тонна пахта теришдир. Бу бизнинг Улуғ Октябрь 60 йиллиги шарафига бошланган умумхалқ мусобақасига қўшган ҳиссамиз бўлади.

Турсуной ОХУНОВА,
Тошкент область Чиноз районидаги Киров номли колхоз механик-ҳайдовчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.
Отамурод ХУДОЙНАЗАРОВ,
Сурхондарё область Гагарин районидаги «Комсомолобод» совхозининг механик-ҳайдовчиси, СССР Олий Совети депутати.
Холмўмин САФАРОВ,
Ленин йўли районидаги Будённий номли совхоз механик-ҳайдовчиси.
Ҳазрат ПИРМАТОВ,
Сирдарё область Оқолтин районидаги «Фарғона» совхозининг механик-ҳайдовчиси.

ЎЗБЕКИСТОН САНОАТИ — ЯНВАРЬ-СЕНТЯБРЬ ОЙЛАРИДА

Ўзбекистон ССР Марказий статистика бошқармасининг хабар беришича, республика саноати 1976 йил январь-сентябрь ойларида маҳсулотни реализация қилиш планини 103,7 процент бажарди. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан саноат ишлаб чиқаришининг ҳажми 4,7 процент ўсди, меҳнат унумдорлиги 2,6 процент ошди. Меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига маҳсулотнинг ўсиши 57 процентни ташкил этди.

Қорақалпоғистон АССР, республиканинг барча областлари ва Тошкент шаҳри маҳсулотни реализация қилиш тўққиз ойлик планини бажарди.

Қорақалпоғистон АССР ва республика областларида саноат ишлаб чиқариши планининг бажарилиши ва ишлаб чиқаришни ўстириш суръатлари қуйидагича бўлди:

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — сентябрь ойида маҳсулотни реализация қилиш планининг бажарилиш проценти; учинчи устун — январь-сентябрь ойларида маҳсулотни реализация қилиш планининг бажарилиш проценти; тўртинчи устун — 1975 йилнинг январь-сентябрь ойларидагига нисбатан 1976 йилнинг январь-сентябрь ойларида ишлаб чиқарилган ялпи маҳсулот (процент ҳисобида); бешинчи устун — йиллик мажбуриятга нисбатан планга қўшимча равишда реализация қилинган маҳсулот (процент ҳисобида).

Узбекистон ССР шу жумладан:	102,3	103,7	104,7	61,8
Қорақалпоғистон АССР	127,2	106,4	107,3	73,0
Андижон	103,3	105,7	103,0	56,4
Бухоро	103,2	102,0	97,1	58,0
Жиззах	114,6	103,0	110,3	21,3
Қашқадарё	102,0	103,4	100,3	41,2
Наманган	104,6	106,6	107,6	70,3
Самарқанд	104,7	104,2	103,3	67,1
Сурхондарё	105,2	105,9	105,1	71,8
Сирдарё	85,8	103,3	109,0	27,0
Тошкент (Тошкент шаҳри билан бирга)	102,4	103,4	106,4	64,0
Фарғона	99,6	102,9	104,5	49,7
Хоразм	89,2	103,9	102,7	44,2

Шу билан бирга Бухоро, Қашқадарё, Жиззах, Хоразм областларининг саноати ва пахта тозалаш саноати министрлигининг корхоналари ўтган йилда эришилган меҳнат унумдорлиги даражасини пасайтириб юборишдилар.

Маҳсулотларни реализация қилиш юзасидан тўққиз йилик планни 41 корхона бажаргани йўқ. Булар орасида «Таштекстильмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси, Чирчиқ трансформатор заводи, «Узбитхимпласт» ишлаб чиқариш бирлашмаси, Тошкент экскаватор заводи, Самарқанд уй-рўзғор холодильниклари заводи, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи, Тошкент мебель комбинати, Денов ёғ экстракция заводи, Қибрай пиво-алкогольсиз ичимликлар комбинати, Тахиатош нон маҳсулотлари комбинати ва бир қанча бошқа корхоналар бор.

Область, шаҳар, район партия комитетлари, министрликлар, идоралар, бирлашмалар ва корхоналарнинг раҳбарлари, партия, совет ва касаба союз ташкилотлари орқада қолаётган корхоналарнинг ишини синчиклаб текшириб кўришлари зарур. Фан-техника тараққиёти, меҳнат унумдорлигини ошириш, материалларни ва меҳнат ресурсларини тежаш негизида корхоналарнинг фаолиятида сифат кўрсаткичларини яхшилаш тадбирларини кўриш, корхоналардан ҳар бирида 1976 йилги планлар ва социалистик мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлайдиган шароитларни яратиб бериш, меҳнат коллективларини КПСС XXV съезди қарорларини бажаришга сафарбар этиш керак.

РАСМИЙ ВИЗИТ БИЛАН

АҲР ПАРТИЯ-ДАВЛАТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ МОСКВАГА КЕЛДИ

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукуматининг таклифига биноан Ангола Озодлиги халқ ҳаракати (МПЛА) Раиси, Ангола Халқ Республикасининг Президенти Ўрток Антонио Агостиньо Нето АҲР партия—давлат делегациясига бошчилик қилиб, расмий визит билан 7 октябрда Москвага келди.

Ангола Халқ Республикаси ва Совет Иттифоқининг давлат байроқлари билан безатилган Внуково аэродромида ўрток А. А. Нетони, делегация аъзоларини КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитетининг секретари Б. Н. Пономарев, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Н. А. Тихонов, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

Пойтахт меҳнаткашларининг вакиллари меҳмонларни табрикладилар. Пионерлар делегация аъзоларига гулдасталар тақдим этдилар.

Учиш майдонида қуролли кучлар уч туридан иборат фахрий қоровул саф тортиб турди. Фахрий қоровул бошлиғи ўрток А. А. Нетога рапорт берди. АҲР ва СССР Давлат гимнлари ижро этилди.

Н. В. Подгорний ва А. А. Нето ўрток фахрий қоровул сафи ёнидан ўтдилар.

Аэродромдан меҳмонлар мотоциклчилар фахрий эскорти ҳамроҳлигида ўзлари учун ажратилган қароргоҳга йўл олдилар. Қароргоҳга бориш йўлида Москванинг кўчалари ҳамда майдонлари АҲР ва СССРнинг давлат байроқлари билан, португал тили ва рус тилида: «Қаҳрамон Ангола халқининг олий мартабали вакилларини қизғин табриклаймиз!», «Яшасин Совет Иттифоқи билан Ангола Халқ Республикаси халқларининг дўстлиги ва бирдамлиги!», «Яшасин Ангола халқининг жанговар авангарди — Ангола озодлиги халқ ҳаракати!» деб ёзилган табрик транспарантлари билан безатилган эди. (ТАСС).

ОҚ ОЛТИН ХИРМОНИГА

Республикамиз областларида пахта тайёрлашнинг борыши тўғрисида шу йил 7 октября бўлган МАЪЛУМОТ

(Умумий планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — шу жумладан машинада, тўртинчи устун — мавсум бошидан буён тайёрланган пахта; бешинчи устун—шу жумладан машинада.

Тошкент	1,35	1,56	87,33	99,27
Андижон	0,15	0,23	78,16	75,80
Сурхондарё	2,22	2,95	71,96	78,61
Наманган	0,60	0,38	65,12	66,86
Бухоро	1,71	2,51	65,11	54,06
Қашқадарё	1,99	2,32	64,31	54,47
Фарғона	0,10	0,17	62,85	31,78
Жиззах	3,11	3,77	58,28	63,22
ҚҚАССР	2,15	2,35	56,93	39,62
Сирдарё	3,19	4,14	49,98	61,36
Хоразм	1,49	1,57	48,64	30,52
Самарқанд	3,51	3,99	45,67	35,93
Республика бўйича:	1,66	2,14	63,49	58,15
Шу жумладан ингичка толали пахта				
Наманган	0,09	—	54,02	—
Сурхондарё	2,39	—	48,63	—
Қашқадарё	1,50	—	38,65	—
Бухоро	1,51	—	31,15	—
Республика бўйича:	2,06	—	44,94	—

СССР МОЛИЯ МИНИСТРЛИГИ ВА СССР ДАВЛАТ БАНКИДА

КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг топширувига мувофиқ СССР Молия министрлиги ва СССР Давлат банки 1947 йилда чиқарилган СССР халқ хўжалигини тиклаш ва ривожлантириш иккинчи давлат заёми облигацияларини тўлаш тиражи 1976 йил 15-16 октябрда ўтказилади, деб белгилади. Шу тиражда 800 миллион сўмлик облигацияларнинг пули қайтариб берилади. Тўлаш тиражининг расмий жадвали марказий газеталарда 1976 йил 31 октябрда эълон қилинади, облигацияларнинг пули эса 1976 йил 1 ноябрдан тўлана бошлайди.

БУТУНИТТИФОҚ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

«КПСС XXV съезди ва марксизм-ленинизм назариясининг ривожи» мавзуидаги Бутуниттифоқ илмий-назарий конференцияси 6 октябрь куни Москвада ўз ишини тамомлади. Конференцияни КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги марксизм-ленинизм институти, ижтимоий фанлар академияси, олий партия мактаби ва СССР Фанлар академияси ўтказди. Ривожланган социализм ва коммунистик қурилишнинг назарий проблемалари конференция қатнашчиларининг—жамиятшунос олимлар, олий ўқув юртларининг ўқитувчилари, партия ходимлари, пропагандистлар, лекторларнинг диққат марказида турди. 56 та илмий ахборот ва доклад тингланди. Бу доклад ва ахборотларда ривожланган социализм шароитда КПССнинг ўсиб бораётган раҳбарлик роли, социал-иқтисодий масалалар, коммунистик тарбия, социалистик идеология ва маданият проблемалари, ҳозирги жаҳон тараққиётининг ва халқаро муносабатларнинг, жаҳон коммунистик ҳаракатининг қонуниятлари ҳар томонлама акс эттирилди.

Якунловчи ялпи мажлисда профессор П. А. Родионов, профессор Е. М. Чехарин, СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси М. Т. Иовчук, СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Т. Т. Тимофеев, профессор А. И. Соболев, секцияларнинг иши тўғрисида ахборот бердилар. Улар ўрток Л. И. Брежневнинг «КПСС Марказий Комитетининг Ҳисоботи ҳамда ички ва ташқи сиёсат соҳасида партиянинг навбатдаги вазифалари тўғрисида»ги доклади ва КПСС XXV съезднинг бошқа материаллари ижтимоий фанларни ячада ривожлантириш учун жуда катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб ўтдилар. Бу доклад ва съезднинг бошқа материаллари илмий коммунизм назарияси ва практикасини янги қоидалар ва хулосалар билан бойитди, коммунистларга, барча меҳнаткашларга ижтимоий тараққиёт истиқболларини яққол кўрсатиб берди.

Конференция қатнашчилари партия съезди ўртага қўйган назарий масалаларни жамиятшунослар ўз ишлари ва фундаментал тадқиқотларининг илмий программаси сифатида қабул қилганликларини таъкидлаб ўтдилар. Олимлар съезд қарорларини актив ва собиқадемлик билан амалга ошира бориб, фанни ривожлантиришга, КПСС тарихини, тажрибасини ва назариясини ўрганишга ва пропаганда қилишга муносиб ҳисса қўшадилар.

Конференция ишида КПСС Марказий Комитетининг секретари М. В. Зимянин иштирок этди.

(ТАСС).

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

СОЦИАЛИСТИК МЕҲНАТ ҚАҲРАМОНИ, КПСС ОРЕНБУРГ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИНИНГ БИРИНЧИ СЕКРЕТАРИ ЎРТОҚ А. В. КОВАЛЕНКОНИ ЛЕНИН ОРДЕНИ ҲАМДА ИККИНЧИ «УРОҚ ВА БОЛҒА» ОЛТИН МЕДАЛИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида эришилган катта муваффақиятлар ҳамда 1976 йилда ғалла ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришни кўпайтириш ва давлатга сотиш юзасидан қабул қилинган юксак мажбуриятларни бажариш соҳасида меҳнатда шавкат кўрсатганлиги учун КПСС Оренбург область комитетининг биринчи секретари ўрток Александр Власович **Коваленко Ленин ордени ҳамда иккинчи «Урок ва Болга» олтин медали** билан мукофотлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Н. ПОДГОРНИЙ.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль. 1976 йил 6 октябрь.

МАШИНАДА КИМ ҚАНЧА ПАХТА ТЕРДИ?

АНДИЖОН ОБЛАСТИ
Избоскан районидаги «Октябрь 50 йиллиги» совхозининг механик-ҳайдовчиси Вали ҚОРАБОЕВ
432 ТОННА

Москва районидаги «Правда Востока» колхозининг механик-ҳайдовчиси Ҳабибулла АБДУЛЛАЕВ
230 ТОННА

Қўрғонтепа районидаги «Савай» совхозининг механик-ҳайдовчиси Расул ҲАМРОЕВ
183 ТОННА

Бўз районидаги «Партия XX съезди» колхозининг механик-ҳайдовчиси Омонхон ҲАМИДОВА
145 ТОННА

Хўжаобод районидаги «Ленинград» колхозининг механик-ҳайдовчиси Тўрабой САТИМОВ
151 ТОННА

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ
Қуйи Чирчиқ районидаги «Ленинград» колхозининг механик-ҳайдовчиси С. ХУДОЙБЕРГАНОВ
261 ТОННА

Бўка районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхозининг механик-ҳайдовчиси Х. ШАРИПОВ
261 ТОННА

Оққўрғон районидаги Вотинцев номли колхозининг механик-ҳайдовчиси Т. РАҲИМБЕРДИЕВ
250 ТОННА

Юқори Чирчиқ районидаги «Политотдел» колхозининг механик-ҳайдовчиси М. ЮСУПОВ
250 ТОННА

* * *

Дала гвардиячилари ҳар кун, ҳар соатни ғанимат билиб, ғайрат отига қамчи босмоқдалар. Бугун кечагидан, эртага бугунгидан кўп ва тоза пахта териш уларнинг жанговар шиорига айланган. Машиналарда шу кунга қадар 1,5 миллион тоннадан знёд пахта терилди. 3 миллион тоннаник машина терими маррасини бартақт эгаллайлик. Республика азамат механизаторларининг азму қарори шундай.

ПОЛИМЕРЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ФАН ПРОБЛЕМАЛАРИ

Химикларнинг «Полимерлар эскириши ва барқарорлаштириш» проблемасига бағишлаб Тошкентда ўтказилган ва 7 октябрда тугаган Бутуниттифоқ конференциясида юксак молекуляр бирикмалар деструкцияси ва уларни сақлашнинг турли жиҳатлари, жумладан, ип газлама чидамлилигини ошириш ва ишлатилиб бўлган пластик пакет парчаланишини тезлаштириш проблемалари муҳокама қилинди. Конференцияни СССР ва Узбекистон ССР Фанлар академиялари, СССР Химия, Нефтни қайта ишлаш ва нефть химияси саноати министрликлари ўтказди.

Полимерлар назарияси ва полимер материаллар саноати практикасининг актуал масалаларини муҳокама қилишда ўнлаб илмий-тадқиқот муассасалари ва завод лабораториялардан вакил бўлиб келган 300 га яқин олим ва мутахассислар иштирок этди. Шу учрашувда ўзбекистонлик химиклар ҳар тўрт докладдан бирини қилдилар. Республикада табиий бирикмалар — даставвал пахта целлюлозаси химияси ва технологияси соҳасида, шунингдек полимерларни синтез қилиш соҳасида катта тадқиқотлар ўтказилмоқда. Узбекистонлик олимларнинг орттирган тажрибалари конференцияда юксак баҳо олди.

Конференция қатнашчилари бундан буёнги тадқиқотлар сифати ва самарадорлигини янада оширишга, илмий ечимлар ишлаб чиқаришга тезроқ жорий этилишига қаратилган тавсиялар қабул қилдилар.

(ЎзТАГ).

ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИДАН РАЦИОНАЛ ФОЙДАЛАНИШ УЧУН

Сутка ва йил мобайнида электр энергия истеъмоли бир маромда бўлишини таъминлаш йўллари 7 октябрь куни Тошкентда ўз ишини тугатган уч кунлик Бутуниттифоқ илмий-техника кенгашига мавзу қилиб олинганди. Унинг ишида Болгария, Венгрия, Польша вакиллари совет энергетиклари билан бирга қатнашдилар.

Ишлаб чиқаришнинг турли соҳалари — энергетика, қора ва ранглы металлургия, қурилиш индустрияси, машинасозлик, қишлоқ хўжалиги олимлари ва мутахассислари электр станциялари ва энергетика системалари ишини энг мақбул тарзда йўлга қўйиш, янада самарали энергия истеъмоли режимларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш масалаларини муҳокама қилдилар. Энергетика системалари суткалик ва йиллик энергиясининг регулятор истеъмолчиларини яратиш проблемалари ҳам муҳокама қилинди.

Кенгаш қатнашчилари Узбекистон ССР Энергетика ва электрлаштириш министрлигига қарашли бир қанча хизматлар ва корхоналарнинг иши билан таништилар.

Кенгаш энергия истеъмоли режимларини оптималлаш борасидаги тавсиялар қабул қилди.

(ЎзТАГ).

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

КАДРЛАР — ОЛТИН ФОНДИМИЗ

Район партия ташкилотининг фаолиятида кадрлар билан ишлаш алоҳида ўрин эгаллайди Район партия комитети партиямизнинг олтин фонди ҳисобланган кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялашнинг ленинча принципларига оғишмай амал қилиб келмоқда. Хўжалик ва маданий қурилишнинг бирон соҳасига кадр танлаганда, даставвал, унинг раҳбарлик фазилатлари, яъни сиёсий билими ва ташкилотчилик қобилияти, корхона, колхоз ёки совхоз олдида турган вазифаларни ҳал этишга унинг коллективини сафарбар этиш маҳорати ҳисобга олинади. Айни вақтда янги танланган кадрга борган жойидаги коллектив билан алоқани мустаҳкамлаш, унинг давлат планни ва олинган мажбуриятни бажариш учун курашни тўғри ташкил этишда, ўзининг сиёсий ва иқтисодий билимини ошириши, ташкилотчилик ва ишчанлик қобилиятини тўла намоён этишида яқиндан амалий ёрдам берилади.

Шу туфайли район партия комитети танлаган кадрлар ўзлари борган жойда ишни яхши йўлга қўймоқдалар, ишлаб чиқаришни юксалтиришни таъминламоқдалар. Бунга «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозининг директори коммунист Саидикром Зокировни мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Бу хўжаликка юборилмасдан олдин у қатор йиллар мобайнида райондаги «Коммунизм» совхозига раҳбарлик қилди. Партия комитети билдирган ишончни яхши оқлади. Хўжалик партия, касаба союз ва комсомол ташкилотларига яқиндан таянган ҳолда пахта ва бошқа экинларнинг ҳосилдорлиги ҳамда ялпи ҳосилини, чорва молларнинг маҳсулдорлигини ошириш тадбирларини тўғри белгилади ва уни қатъият билан амалга оширди. Натижада бу совхоз қисқа муддат ичида қолоқликдан чиқди ва ўрта даражадаги хўжаликлар қаторига кўтарилди.

Саидикром Зокировнинг ташкилотчилик ва раҳбарлик фазилатлари, омма билан ишлаш, уни мураккаб вазифаларни ҳал этишга сафарбар этиш қобилияти юксак даражада механизациялашган, деҳқончилик маданиятини оширишда яхши ибрат кўрсатаётган «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозида янада тўлароқ намоён бўлди. Район партия комитети уни бу ерга юборраётганида совхоз коллективининг комплекс механизацияни янада кенгроқ жорий этиш, пахта етиштиришнинг илғор, прогрессив усулларини дадил қўлланиш йўли билан пахтачиликни юксалтиришда янги марраларни эгаллаш учун курашини тўғри ташкил этади ва унга моҳирлик билан раҳбарлик қилади деб ишонган эди. Ҳақиқатан ҳам шундай бўлмоқда. Совхоз пахтакорлари бултур катта майдонларда мўл ҳосил етиштирдилар. Ҳар гектар ердан қарийб 43 центнердан пахта териб олинди. Давлатга 17 минг тоннадан ортиқ «оқ олтин» топширилди. Барча ҳосилнинг 87 процентини машиналар билан йиғиб олинди.

Хўжалик деҳқонлари бу йил КПСС XXV съезди қарорларига жавобан ҳар гектар ердан 45 центнердан ҳосил олиш, давлатга 18 минг тонна пахта топшириш, бу ҳосилнинг асосий қисмини машиналар билан териш мажбуриятини олишган. Коммунист Саидикром Зокиров бу масъулиятли вазифанинг муваффақиятли бажарилишини таъминлаш мақсадида совхоз партия комитети, коммунистларга таянган ҳолда ва улар билан ҳамкорликда барча зарур чораларни кўрмоқда.

Пахта тозалаш заводида кейинги вақтда меҳнат интизоми бўшашиб кетди. Янги техника ва илғор технологиянр жорий этиш, коллективнинг ижодий ташаббусини ошириш тадбирлари кўрилмади. Давлат плани ва олинган мажбуриятларни бажариш учун кураш, социалистик мусобақа тўғри йўлга қўйилмади. Натижада корхона қолоқ бўлиб қолди. Район партия комитети бунинг сабабларини ўрганди. Шу нарса маълум бўлдики, заводнинг собиқ директори Қўчқор Содиқов ишлаб чиқаришга малакасиз раҳбарлик қилган, ташкилотчилик кўрсатмаган, келишувчилик, принципсизлик қилган. Шу сабабли район партия комитетининг бюроси уни вазифасидан бўшатди. Заводга ёш, ташаббускор, ғайратли коммунист Акбар Мадаминов директор қилиб тайинланди. Унинг ташкилотчилиги, ишбилармонлиги, янги техника ва илғор технологияни жорий этиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун ишчилар ва инженер-техник ходимларнинг курашини тўғри ташкил эта билганлиги туфайли корхона бир йил ичида қолоқликдан чиқди. Ҳозир бу ерда давлат планлари барча кўрсаткичлар бўйича тўла ado этилаётир.

Шу нарса характерлики, раҳбар кадрлар ҳам, қуйи звено ходимлари ҳам район партия ташкилоти КПСС XXV съезди қарорларини амалга ошириш, район меҳнаткашлари ўнинчи беш йиллиннинг дастлабки йили планларини ва олинган юксак мажбуриятларни бажариш учун олиб бораётган курашда фаол қатнашмоқдалар, унга ўзларининг бутун куч-ғайратлари, тажриба ва маҳоратларини сарфлашмоқдалар. Чунки, район партия ташкилоти кадрларни ана шу руҳда тарбиялаётган. Уларнинг ишчанлик, фидокорлик фазилатлари район меҳнаткашлари олдида турган хўжалик ва сиёсий вазифаларни ҳал этиш учун курашда тўлароқ намоён бўлишига эришмоқда.

Шу туфайли район пахта ва бошқа деҳқончилик ҳамда чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришда республиканинг илғор районлари қаторига кўтарилди. Ўтган йили гектаридан 41 центнердан пахта, 151 центнердан каноп ҳосили олинганлиги, бу йил пахтанинг ҳосилдорлигини 43 центнерга, ялпи ҳосилини 62 минг тоннага, жут экинларининг ҳосилдорлигини 190 центнерга ва ялпи ҳосилини 107 минг тоннага етказиш, ўтган йилдагидан анча кўп гўшт, сут ва бошқа маҳсулотлар етиштириш мўлжалланаётганлиги бунинг далилидир. Бултур етиштирилган ҳосилнинг 80 процентдан ортиғи «зангори кема»лар билан терилган бўлса, район механизаторлари бу йил 90 процент ҳосилни машинада териб олишга аҳд қилишган.

Район партия комитети қобилиятли ёш кадрларни раҳбарлик вазифаларига дадил кўтармоқда. Район газетасининг редактори Абдуолим Хўжақулов «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхози партия комитети, Свердлов номли колхоз пахтачилик бригадасининг бошлиғи Тиловқобил Бойботиров шу колхоз партия комитети, Энгельс номли колхоз чорвачилик фермасининг бригадири Жамантой Турсунов шу колхоз партия комитети секретарлигига, 28-ўрта мактаб ўқитувчиси Ширингул Сманалиева район комсомол комитети секретарлигига, луб заводи мастери Айдер Қуртсеитов шу завод бош инженерлигига, «Коммунизм» совхозининг бўлим бошқарувчиси Маҳамад Раҳматов шу совхоз бош агрономлигига, болалар боғчасининг мудири Ильвира Старцева район ижроия комитети секретарлигига сайландилар. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Район партия комитети ёш коммунистларни раҳбарлик лавозимига кўтариш билан бир қаторда, колхоз ва совхозларга, муассаса ва ташкилотларга узоқ йиллардан буён раҳбарлик қилиб келаётган кекса кадрларни авайлаб асрамоқда, уларнинг тажрибасидан фойдаланяпти. «Огонёк» боғдорчилик совхоз-заводига 1952 йилдан буён директорлик қилиб келаётган кекса коммунист Муҳаммаджон Отажонов, илғор «Москва» колхозига ўн уч йилдан буён раислик қилиб келаётган Исмоил Шубладзе ва бошқалар шулар жумласидандир. Бу ажойиб коммунистларнинг раҳбарлигида мева, узум, пахта ва бошқа маҳсулотлар етиштириш юзасидан белгиланган планлар ва олинган юксак мажбуриятлар йил сайин ошириб бажариб келинмоқда. «Огонёк» совхозининг соҳибкорлари бу йил гектаридан 215,8 центнердан узум, 151,5 центнердан мева етиштириш ва давлатга жами 12300 тонна ўрнига 14 минг тонна маҳсулот топшириш, «Москва» колхозининг пахтакорлари эса гектаридан 45 центнердан ҳосил олиш учун курашмоқдалар.

Район партия комитети кадрлар билан ишлаш, уларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш формалари ҳамда методларини тинмай такомиллаштириб боряпти. Бу, хўжалик ва маданий қурилишнинг барча участкалари учун зарур ташкилотчи, ишбилармон кадрларга доим эга бўлиш ва улардан самарали фойдаланишни таъминлайди.

А. САИДХЎЖАЕВ,
Қуйи Чирчиқ район партия комитетининг биринчи секретари.

Тошкентдаги «Подъёмник» заводида тайёрланаётган маҳсулотлар мамлакатимиздан ташқари чет элларда ҳам маълум ва машҳур. Корхона ўз маҳсулотларини жаҳоннинг 20 дан зиёд давлатига жўнатмоқда. Шу йилдан бошлаб заводда 20 тоннадан юк кўтара оладиган икки хил кўтарма кранни ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Суратда: корхона экспорт участкасининг мастери Д. Чегодаев (чапда) ва корхона бош энергетигининг ўринбосари А. Гончаров узоқдан бошқариладиган кўтарма краннинг қисмларини текширишмоқда.

Ш. Иброҳимов фотоси. (ЎзТАГ).

ВИЗИТ ТУГАДИ

КОПЕНГАГЕН. (ТАСС). 6 октябрь куни бу ерда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громиконинг Дания ташқи ишлар министри К. Б. Андерсен билан олиб борган музокаралари ниҳоясига етди.

Министрлар маслаҳатлашувлар тўғрисида Совет — Дания протоколини имзоладилар.

Шу куни СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громикони Дания қироличаси Маргрете II қабул қилди. Бўлиб ўтган суҳбат чогида Совет — Дания муносабатлари масалалари муҳокама қилинди.

Тушдан кейин А. А. Громико Дания ташқи ишлар министри К. Б. Андерсен шарафига нонушта-зиёфат берди. Зиёфатда Дания бош министри А. Йоргенсен, ҳукумат аъзолари, бошқа расмий кишилар ҳозир бўлдилар.

БИТИМ ИМЗОЛАНДИ

6 октябрь куни Москвада СССР Министрлар Совети Телевидение ва радио эшиттириш давлат комитети билан Американинг «Си-Би-Эс» радио эшиттириш компанияси ўртасида телевидение ва радио эшиттириш соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги битим имзоланди.

Битимни СССР Министрлар Совети Телевидение ва радио эшиттириш давлат комитетининг раиси С. Г. Лапин ва «Си-Би-Эс» радиоэшиттириш компаниясининг президенти А. Тэйлор имзоладилар.

Битимда телевизион ва радио материалларини айирбошлаш, шунингдек СССР ва АҚШ халқларининг ҳаёти тўғрисида телевидение ва радио программаларини тайёрлашда бирбирига кўмаклашиш кўзда тутилади. (ТАСС).

АКАРОЛОГИЯГА БАҒИШЛАНГАН КЕНГАШ

Тошкентда кана ҳақидаги фан-назарий ва амалий акарологияга бағишланган Бутуниттифоқ кенгаши тугади. Мамлакатдаги 45 та илмий марказ намояндалари одам ва ҳайвонларнинг касалликларини тарқатувчи ҳамда қишлоқ хўжалик экинларининг зараркунандалари — кананинг ҳар хил турларига қарши кураш проблемаларини муҳокама қилдилар.

(ЎзТАГ).

ГДР КИТОБЛАРИ БАЙРАМИ

6 октябрь куни Тошкентда ГДР китобларининг анъанавий декадаси бошланди. Қардош мамлакат китоб байрами Германия Демократик Республикаси эълон қилинган кунга бағишланди. Бу байрам 1-китоб магазинида ва «Дўстлик» магазинида тантанали равишда очилди.

ГДР ноширлари бу йилги байрам учун Тошкентга уч юз номдан кўпроқ китоб — сиёсий, бадиий, болалар адабиёти, техникавий адабиёт, шунингдек тасвирий санъатга оид альбомлар юборишган.

Декада кунларида Навоий номли ўзбек давлат кутубхонасида китобхонлар конференцияси, Тошкентдаги китоб дўстлари клубида кеча ўтказиш мўлжаллаб қўйилди.

(ЎзТАГ).

ЯНГИЛИКЛАР ХАБАРЛАР ВОҚЕАЛАР

ЧЕТ ЭЛЛАРДА

ТИНЧЛИККА ЭҲТИРОСЛИ ДАЪВАТ

КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежневнинг Франция телевидениеси обзорчиси билан суҳбати Францияда, Европада, бутун дунёда зўр қизиқиш билан кутиб олинди.

Франс Пресс агентлиги бу суҳбатни «Ғоят муҳим тарихий аҳамиятга молик воқеа», деб таърифлади. Чет эл матбуот органлари суҳбат текстини тўлиқ ёки батафсил баён қилдилар. Суҳбат барча сиёсий ва жамоат доираларида кенг шарҳланмоқда.

«Юманите» газетаси халқаро бўлимининг редактори Ив Моро Л. И. Брежневнинг суҳбати Франция жамоатчилигининг ғоят хилма-хил табақаларида кенг ижобий фикр туғдириши шубҳасиздир, деди. КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг суҳбатида дўстликка Совет — Француз ҳамкорлигига даъват қилинган, бу эса ҳар икки мамлакат манфаатларига, ҳар икки халқ манфаатларига, тинчлик манфаатларига мос бўлиб тушади.

Л. И. Брежнев барча соҳаларда фойдаланилмаётган жуда катта имкониятлар мавжудлигини тамомила ҳаққоний кўрсатиб ўтди, деб давом этди Ив Моро. Франция Коммунистик партияси самарали ва ўзаро манфаатли муносабатларни ривожлантиришга кўмаклашиш учун ўзининг бутун куч-ғайратини сарфлайди. Л. И. Брежневнинг суҳбатида кўрсатиб берилган тинчликнинг кенг истиқболлари инсониятнинг келажагини гарантиялайди.

Франция журналистикасининг ветерани Женевьева Табуи бундай деди: Л. И. Брежневнинг суҳбати менда ғоят зўр таассурот қолдирди. Сизни ишонтириб айтишим мумкинки, деди у, совет раҳбарининг суҳбати француз аҳолисининг ғоят хилма-хил табақалари ўртасида жуда катта қизиқиш туғдирди. Энди французлар совет дипломатиясининг халқаро майдондаги жуда катта ролини тағи ҳам равшанроқ тасаввур қиладилар, совет халқи қандай яшаётганлиги, нималар устида иш олиб бораётганлиги тўғрисида уларнинг тасаввури тўлароқ бўлиб қолади.

Париж чеккасидаги автомеханика устахоналарининг ишчиси Обервилье Жерар Мовэ ўз сўзида қуйидагиларни таъкидлади: «Л. И. Брежневнинг тинчликни мустаҳкамлашга, Совет Иттифоқи билан Франция ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтиришга қаратилган ишлари Францияда яхши маълум. Биз бу фаолиятни ғоят қадрлаймиз».

Совет Иттифоқи ва унинг тинчликсевар сиёсати тўғрисида аниқ, тушунарли ва ишонарли баён қилиб берилган ҳақиқат, деди «Франция — СССР» уюшмаси президентлик кенгашининг аъзоси Раймон Маркье, бугунги кунда миллион-миллион французларнинг хонадонига кириб борди.

Мен ва менинг дўстларим КПСС Марказий Комитети Бош секретари айтган гапларнинг равшанлиги, инсонийлиги, оддийлиги ва самимийлигидан ғоят таъсирландик.

Мен бардам ва хушчақчақ Л. И. Брежневни яна бир бор шахсан кўргандай бўлдим. Мен бундан ғоят ҳурсандман, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари 1971 йилда Францияга визит билан келган чогида у билан учрашиш шарафига муяссар бўлган эдим.

Биз, Французлар Совет Иттифоқи билан Франциянинг муносабатлари тўғрисида Л. И. Брежнев айтган самимий сўзлардан ғоят тўлқинландик. СССР билан Франция ўртасидаги дўстлик анъанавий дўстлик бўлиб қолди. Бу дўстлик чуқур тарихий илдиз отган бўлиб, фашизмга қарши биргаликда олиб борилган курашда тоблангандир.

Социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг газеталари Л. И. Брежневнинг суҳбати текстини «Қуролсизланиш — энг муҳим вазифа», «Кескинликни юмшатиш — сиёсат мезони», «Ҳамкорлик имкониятларини ривожлантирайлик» деган сарлавҳалар остида эълон қилишган.

Болгариянинг «Работническо дело» газетаси бундай деб ёзади: Леонид Ильич Брежневнинг Франция телевидениеси вакили билан қилган ажойиб суҳбати — кескинликнинг юмшатилишини, тинчликни, тинч-тотув яшаш принципларини ҳимоя қилишга қаратилган ишонарли, тўлқинлантирувчи, таъсирчан ва эҳтиросли нутқдир; бу нутқ ана шу фикрлар билан суғорилгандир. Л. И. Брежнев тинчлик ишига шахсан бебаҳо ҳисса қўшди, Ер юзидан «совуқ уруш»нинг муз қатламини олиб ташлашга ёрдам берди. Унинг сўзларида умидворлик, тинчликнинг келгусида муваффақият қозонишига комил ишонч жўш уриб турибди. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари сўзларининг самимийлиги Совет Иттифоқининг БМТ Бош ассамблеясининг ҳозирги сессияси муҳокамасига киритилган энг сўнгги ташаббусларининг катта рўйҳати билан мустаҳкамланган.

Польшада чиқадиган «Трибуна люду» газетаси қуйидагиларни таъкидлайди: КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари СССРнинг ижтимоий-сиёсий тузуми хусусиятлари тўғрисида кенг маълумот берди ва КПСС XXV съезднинг айниқса совет кишилари турмушининг моддий ва маданий даражасини оширишни таъминлаш соҳасидаги қарорлари амалда қандай бажарилаётганлигини конкрет мисоллар асосида кўрсатиб берди. (ТАСС)).

ҲАМКОРЛИК

ФИНЛЯНДИЯНИНГ ДАСТЛАБКИ АТОМ СТАНЦИЯСИ ҚУРИЛМОҚДА

Фин кўрфазининг қирғоғида, Финляндия пойтахти Хельсинки шаҳридан 100 километрча нарида кичик бир шаҳарча жойлашган. Унинг номи — Ловиза. Шаҳарнинг номи кейинги йилларда маҳаллий матбуот саҳифаларида кўп марта тилга олинмоқда. Ловизадан Хестхолмен ороли томон йўлдан 12 километрча юрилгач, янги қурилиш районига етиб келинади. Ана шу жойда муҳим объект қад ростламоқда. Қурилиш иштирокчиларининг рўйхати кўзга кўринарли қилиб ёзиб қўйилган. «Атомэнергоэкспорт» сўзлари ҳам узоқдан кўзга ташланади.

Қадимда осуда, дарахтларга сероб, қояли оролда қишлоқ қад ростлади. Ҳозир бу ерда финляндиялик қурувчилар ва Совет Иттифоқидан келган мутахассислар истиқомат қилишмоқда. Улар ҳамкорликда Финляндияда биринчи атом электростанциясини барпо этишяпти.

1970 йилнинг июнь ойида Финляндиядаги «Иматран ойма» фирмаси билан «Атомэнергоэкспорт» совет ташқи савдо бирлашмаси ўртасида шартнома тузилди. Унда Ловиза шаҳрида қуввати 440 мегаваттли атом электростанциясини қуриш келишилганлиги таъкидланган эди. Орадан бир йил ўтгач, худди ана шу қуввата эга бўлган иккинчи навбатни барпо этиш тўғрисида қўшимча шартнома имзоланди. Ловиза яқинидаги атом электростанцияси Совет—Финляндия иқтисодий ҳамкорлигидаги йирик қурилиш объекти бўлиб, Совет Иттифоқи ва жаҳон атом энергетикасининг ютуқлари ҳисобга олинган ҳолда қурилмоқда.

Совет Иттифоқи шартномага мувофиқ станция қурилишига муҳим агрегатларни етказиб бермоқда. «Иматран ойма» фирмаси эса, реакторнинг қиймоя қобиғини, электр асбоб-жиҳозларни, назорат-ўлчов ускуналарини монтажлаш ишларини олиб бормоқда. Атом станцияси қурилишида 30 га яқин турли фирмалар иштирок этмоқда. Станциянинг айрим қисмларининг монтажини Ғарбий Германия, Америка ва бошқа чет эл фирмаларининг вакиллари олиб боришмоқда.

Совет мутахассисларининг дастлабки отряди Ловизага бундан 4 йил олдин монтаж ишларини олиб бориш учун келишган эди. Коллектив сафи йил сайин ўсди. Ҳозир унинг рўйхатида 800 киши бор. Инженерлар, техник ва хизматчилар Совет Иттифоқида, шунингдек, чет элларда атом станциялар қурилиши ва фойдаланишга топширилишида катта тажрибалар орттиришган.

Станция қурилишида муҳим босқичлар кўп марта рўйхатга олинган. Шулардан бири 1975 йилнинг 12 январь куни билан муҳрланган. Шу куни станцияда Ленинграддаги Ижор заводида тайёрланган реакторни ўрнатиш иши тугалланди. Кейинчалик Харьков заводида йиғилган 2 та турбинани ўрнатиш, Ленинграддаги «Электросила» бирлашмаси ишлаб чиқарган генераторларни ўрнатиш навбати келди. Совет мутахассислари бу ерда жами 16 минг тонна турли асбоб-жиҳозларни монтаж қилдилар.

Ловизадаги атом электростанцияси қурилишида бу йил ниҳоятда масъулиятли йил ҳисобланади. Баҳордан бери биринчи блокни ишга тушириш бўйича тайёргарлик кенг миқёсда олиб борилмоқда.

Совет ва финляндиялик мутахассислар суҳбат чоғида Суоми мамлакатининг саноати бу йил атом электр станцияси энергиясини оладилар, деб қаттиқ ишонч билдирдилар. Ловиза атом электростанцияси тинч мақсадларда хизмат қилаверади...

Д. ГАЙМАКОВ,
(АПН махсус мухбири).
Хельсинки.

ФРАНЦИЯДА СОВЕТ ИТТИФОҚИ КУНЛАРИ

ПАРИЖ. (ТАСС). Францияда Совет Иттифоқи кунлари бошланди. Совет Иттифоқи кунлари программасида совет музика ва рақс коллективларининг концертларини кўрсатиш, кўргазмалар ташкил этиш, СССР халқларининг ҳаёти тўғрисида ҳикоя қилувчи ҳужжатли фильмларни намойиш этиш кўзда тутилган.

Қарор топган анъанага кўра, бу ерда ҳар йили СССР кунлари Совет республикаларидан бирига бағишланади. Бу йил Совет Тожикистони ўз вакилларини Францияга юборди. Тожикистон ССР «Лола» давлат рақс ансамбли Париж чеккасидаги Витри ишчилар шаҳарчасида концерт берди. «Франция — СССР» жамияти Валь-де-Марн департаменти бўлимининг раиси Пьер Марсьека Витридаги тантанали йиғилишда нутқ сўзлаб Тожикистон делегациясини ва санъат усталарини табриклади, «Лола» ансамблининг гастроллари, Тожикистон ССР ҳақидаги кўргазмалар ва суҳбатлар француз ва совет халқлари ўртасидаги қалин дўстона алоқаларни янада ривожлантиришга шубҳасиз янги катта ҳисса бўлиб қўшилади, деди.

телетайп лентасидан

◆ УЛАН-БАТОР

Халқ Монголиясида анъанавий Монгол — Совет дўстлиги ойлиги бошланди. Давлат опера ва балет театрида шу байрамга бағишланган тантанали йиғилиш бўлди.

Бутун республикада ўтказилаётган ана шу ойликка бағишлаб «Советлар мамлакатининг хотин-қизлари» деган мавзуда фотосуратлар кўргазмаси очилди. Кўргазма экспозицияси совет аёлларининг ҳаёти ва меҳнатини, уларнинг Совет Иттифоқида коммунистик жамият қурилишига қўшаётган жуда катта ҳиссаларини ҳикоя қилади.

◆ ЛИССАБОН

Интерсиндикал раҳбарлигидаги бирлашган касаба союз ҳаракати фашист диктатурасига қарши курашда, меҳнаткаш халқ манфаатларини ҳимоя қилиш учун, унинг ҳаёт шароитларини яхшилаш учун курашда Португалия меҳнат аҳлининг ҳурмати ва ишончига сазовор бўлди. Португалия Компартияси Марказий Комитетининг интерсиндикал ташкил этилганига 6 йил тўлиши муносабати билан Португалия меҳнаткашларининг касаба союз марказига йўллаган табрикномасида шундай дейилган.

◆ ТРИПОЛИ

Ливия Араб Республикаси пойтахтида Фаластин халқи билан бирдамлик умумараб конференцияси очилди. Конференцияни ишчилар касаба союзлари умумий федерацияси ташкил қилди. Конференция ишида Жазоир, Маронташ, Тунис, Иордания, Ироқ, Миср, Сурия, Яман Халқ Демократик республикаси, Ливия ва бошқа араб мамлакатларининг касаба союз ва ижтимоий-сиёсий ташкилотларининг делегациялари ҳамда Фаластин ишчи ва касаба союз бирлашмаларининг вакиллари иштирок этмоқдалар.

◆ РАНГУН

Бирма пойтахтида давлат тўнтариши қилишга ўринганларнинг иши юзасидан суд мажлиси давом этмоқда. Собиқ армия офицерларидан саккиз киши давлатга хиёнат қилишда ва ҳукмрон Бирма Социалистик программа партиясига қарши қаратилган ҳаракатларда айбланади. Гувоҳларни сўроқ қилиш давомида фитна ташаббускорлари партиянинг бир неча раҳбарини ўлдириш, Бирма Социалистик программа партиясини тарқатиб юбориш ва Бирмани илғор ривожланиш йўлидан тойдириш ниятида эканликлари тасдиқланмоқда.

(ТАСС).

Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги шарафига

КАРВОНБОШИ

Тошкентдаги «Компрессор» заводи коллективи кейинги йилларда кўплаб янги ташаббуслар билан чиқмоқда. Яқинда бу ерда яна бир ватанпарварлик ташаббуси вужудга келди. Корхона ишчи-хизматчилари «Улуғ Октябрнинг 60 йиллигига икки йиллик топшириқни бажарамиз!» шиори билан майдонга чиқишди.

Бу масъулиятли ва шарафли вазифани бажариш йўлида муҳим тадбирлар белгиланди. Корхонада маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, сифатини яхшилаш, таннархини арзонлаштириш юзасидан катта ишлар қилинаяпти. Цехлар ва бригадалар ўртасида социалистик мусобақа кенг йўлга қўйилди. Мусобақа голиблари моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириш яхши натижа бермоқда. Ҳар бир ишчи, инженер-техник ходим топшириқларни муддатидан анча илгари бажаришга, маҳсулотни биринчи тақдимдаёқ топширишга муносиб ҳисса қўшмоқда. Коллектив ўтган тўққиз ойлик планни ошириб уддалади. Маҳсулот реализация қилиш плани 104,8 процентни ташкил этди. Пландан ташқари 500 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинди. Шундай қилиб ўнинчи беш йиллиннинг биринчи йили учун қабул қилинган мажбурият муддатидан илгари бажарилди.

Корхонанинг қуюв цехи — заводнинг илғор цехларидан бири. Цех коллективи ойлик топшириқларни доим 110-115 процентдан бажариб келмоқда. Улуғ Октябрнинг 60 йиллигига икки йиллик планни бажариш ҳаракатини бошлаб берган ташаббускорлар ҳам шу ерда. Корхонанинг барча цехлари коллективлари ташаббусга яқдиллик билан қўшилишди. Заводнинг тўққиз ишчиси ўнлар ташаббуси асосида бир беш йилликда икки беш йиллик планни бажаришга аҳд қилди. Ҳозир корхонада уларнинг 60 дан ортиқ издошлари бор. А. Бережной, А. Волков, А. Большов, Т. Зубарева, Е. Михеева, Н. Лушников, Ю. Шубцов, П. Прилипко каби ўнлаб илғор ишчилар йиллик топшириқларини муваффақиятли уддалаб, 1977 йилнинг августсентябрь ойлари ҳисобига иш бошлашди.

Корхонада олинган юксак социалистик мажбуриятларни бажариш йўлида барча резервлар ишга солинмоқда. Цехлар техникавий қайта қуроллантирилди. Ротацион компрессорларнинг асосий деталларини қайта ишлаш учун саккизта ихтисослашган металл қирқувчи агрегатлар ўрнатишга киришилди. Шулардан тўрттасини Минск ва Одесса шаҳарлари саноатчилари юборишган. Қолганлари эса заводнинг ўзида тайёрланяпти. Янги агрегатлар ишга тушгач, заводда меҳнат унумдорлиги 2-3 баравар ортади. Ўнинчи беш йилликнинг охирларига бориб, қарийб янги бир завод барпо этилади. Қурилиши шу йил бошлаб юборилган бош корпус келажакда хом ашёни қабул қилиб олишдан тортиб, тайёр компрессор станцияларини буюртмачиларга жўнатишга ҳозирлашгача бўлган ҳамма жараённи бажаради. 15 минг квадрат метр майдонда қурилаётган бу корпуса юксак унумли станоклар, асбоб-ускуналар, шунингдек программали бошқариладиган ўнта янги дастгоҳ ўрнатилади.

Беш йиллик охирига бориб корхонада меҳнат унумдорлиги 50 процентга ортади, пландан ташқари 0,5 миллион сўмдан ортиқ иқтисодий фойда олинади. Ҳозир асосий маҳсулот — компрессор ва эҳтиёт қисмларининг ярмидан кўпроғи давлат Сифат белгиси билан чиқарилаётган бўлса, 1980 йилга бориб бу рақам қарийб 90 процентни ташкил этади.

Кейинги йилларда корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турларини кўпайтириш борасида ҳам кўп ишлар қилиниди. 1972 йилда Германия Демократик Республикасининг Лейпциг шаҳрида ўтказилган халқаро ярмаркада катта Олтин медаль ва биринчи даражали диплом олишга сазовор бўлган «ПР-10 М» кўчма компрессор станциялари анча такомиллаштирилди. Шу йил бошларида эски конструкциядаги поршенли машиналар ўрнига халқ хўжалиги учун жуда зарур бўлган вакуум насосли «РКВН-6» компрессор станциясини тайёрлаш ўзлаштирилди. Корхонанинг бу маҳсулотига давлат Сифат белгиси берилди. Кейинги вақтларда ротация типидаги «РП-90» компрессорларини кўплаб ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. «ПК-10 М» компрессорларини тайёрлаш ҳам анча жадаллашди.

Янги техникани ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш, прогрессив технологияни қўллаш йўлида корхона рационализатор ва ихтирочилари катта ишлар қилишмоқда. Завод рационализаторлик бюросига ўтган тўқиз ой ичида тушган 45 га яқин таклифнинг 34 таси ишлаб чиқаришга жорий этилди. Бунинг натижасида меҳнат унумдорлиги 5,1 процентга ортди, 12 минг сўмдан ортиқ иқтисодий самара кўрилди. Бунда В. Шинько, Ф. Фезиев, Г. Крот, Н. Лушников сингари ижодкор ишчи-хизматчиларнинг ҳиссаси катта бўлди.

— Кейинги йилларда маҳсулотларимизга бўлган талаб тобора ортиб бормоқда, — дейди корхона бош иқтисодчиси В. Манукян. — Афғонистон, Эрон, Туркия, Ҳиндистон каби ўнлаб чет эл мамлакатларига ҳам маҳсулот жўнатяпмиз. Бу биз учун катта шараф бўлиши билан бирга, зиммамизга катта масъулият ҳам юклайди. Шунинг учун корхонани реконструкция қилишга, ички резервлардан самарали фойдаланишга, қўл меҳнатини иложи борича механизация зиммасига юклашга катта эътибор беряпмиз.

Ҳа, Тошкент компрессорчилари ўнинчи беш йиллиннинг дастлабки йилини муваффақиятли якунлаш, съездлар йилида ҳар қачонгидан кўпроқ, сифатлироқ маҳсулот ишлаб чиқариш учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар. Жумладан, корхонанинг қуюв цехидаги термистлар бригадаси меҳнатни тўғри ташкил этиш туфайли нуқсонсиз маҳсулот тайёрламоқда. Бу ерда энг сўнгги брак маҳсулот қачон ишлаб чиқарилгани унутиб юборилган. Бригадада беш кунлик иш тўрт кунда бажарилмоқда. Н. Ҳакимов, М. Раҳмонов, М. Исҳоқов каби илғор ишчиларнинг тадбиркорлиги билан деталларни термик жиҳатдан қайта ишлашда янги, прогрессив методлар қўлланди ва деталь сифатини текширувдан ўтказишга кетадиган вақт ҳам қисқарди.

Республикамиз саноат корхоналари коллективларини Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги шарафига икки йиллик топшириқни бажаришга чақирган Тошкент компрессорчилари мусобақада карвонбошилик қилмоқдалар.

Ш. МИРҲАБИБОВ.

МАШИНАЛАРДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНАЙЛИК!

ПЛАННИ БАЖАРГАН БЎЛИМДАН ХУШХАБАР

ДАШТ ДУРДОНАСИ

Қарши даштида ташкил топган кенжа — Нишон райони пахтакорлари ҳосил йиғим-теримини кун сайин қизитмоқдалар. Ҳар бир бригада, бўлим ва хўжаликда далаларда етиштирилган мўл пахта ҳосилини тезроқ саранжомлаб олиш, зиммага олинган социалистик мажбуриятни шараф билан адо этиш учун мусобақа авж олдириляпти. Район пахтакорлари пахта териш агрегатларидан унумли фойдаланиш, бугун кечагидан, эртага бугунгидан кўпроқ пахта териб тўкиш пайида меҳнат қиляптилар. Район пахтакорлари ҳар куни йиллик планнинг 3 процентидан ошириб пахта топширишмоқда. Районда йиллик пахта сотиш планини ошириб бажарган бригадалар сони кун сайин кўпайиб бормоқда. Шу кунгача район бўйича 20 га яқин бригада пахтакорлари йиллик планни бажарганликлари тўғрисида рапорт бердилар. Планни ошириб бажарган бригада деҳқонлари ўз зиммаларига олинган социалистик мажбурият ҳисобига пахта топширмоқдалар.

Куни кеча райондаги Усмон Юсупов номли совхознинг моҳир пахтакор Комил Ўткиров бошқарувчилик қилаётган бўлим пахтакорлари йиллик планни бажарганликлари тўғрисидаги ғалаба рапортига имзо чекдилар. Бўлим деҳқонлари янги ерларда иккинчи йили пахта етиштириб, 450 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 22 центнердан пахта териб олишга муяссар бўлдилар. План машина терими ҳисобига 5 иш кунида ошириб бажарилди. Бўлим пахтакорлари қабул пунктига қарийб минг тонна чўл дурдонаси етказиб бердилар. Бўлимда йиллик пахта тайёрлаш планининг қисқа муддатларда бажарилишига ҳар гектар ердан 22-25 центнердан пахта териб олган Боғимас Хўжанафасов, Бегимқул Ўткиров, Ҳакмурод Хўжаёров, Ҳазратқул Муҳаммадиев, Норман Бобоқулов, Ҳайитжон Очилова ўртоқлар етакчилик қилаётган бригада пахтакорлари катта ҳисса қўшдилар. Бу бригадаларда план ошириб бажарилган бўлса-да, ҳосил мўл. Пахтакорлар ҳосилдорликни гектар бошига 50 центнерга етказиш учун терим суръатини сусайтирмаётирлар.

Бўлим далаларида 22 та тўрт қаторли «Ўзбекистон» маркали терим агрегатлари ишлатиляпти. Механизаторларнинг ҳар бири белгиланган нормаларини ошириб бажариб, хирмонга барака киритмоқдалар. Кунига бўлим бўйича ҳар бир механик-ҳайдовчи бункерлардан 10-12 тоннадан пахта тўкаётир.

Бўлим пахтазорларида чўл дурдонаси бодроқдай очилиб ётибди. Пахтакорлар ҳосилдорликни гектар бошига 45 центнерга етказиш, зиммага олинган социалистик мажбуриятни 20 октябргача ошириб бажариш учун далаларда ҳар қачонгидан ҳам ғайрат билан меҳнат қиляптилар.

П. ГАДОЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.





ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ. Қуйи Чирчиқ районидаги «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхози миришкорлари 4 минг гектар пахта майдонида мўл ҳосил етиштирдилар. Улар етиштирилган «оқ олтин»нинг 90 процентини «зангори кема»лар бункеридан тўкиш ишқи билан меҳнат қиляптилар. Пахтазорларда 100 та терим агрегати юксак унумларда ишлатиляпти. Суратларда: (юқорида) моҳир механизатор, звено бошлиғи Абдусаттор Сулаймонов. Пастда эса машинада пахта териш.

Ж. Тўраев фотолари.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА

БИРИНЧИ

КПСС XXV съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XIX съезди тарихий қарорларини амалга ошираётган Хўжайли районидаги Ленин номли колхознинг пахтакорлари ва механизаторлари ўнинчи беш йилликнинг биринчи йилида ажойиб меҳнат зафарларини қўлга киритмоқдалар. Колхоз аъзолари ва механизаторлари бу йилги табиий қийинчиликларга қарамай ҳар қачонгидан ҳам мўл-кўл ҳосил етиштиришга эришдилар. Улар биринчи кунданоқ пахта йиғим-теримини уюшқоқлик билан бошлаган эдилар. Бугун улар пахта тайёрлаш халқ хўжалик планларини бажарганликлари ҳақида Қорақалпоғистон Автоном Республикасида биринчи бўлиб ғалаба рапортига имзо чекдилар. 1405 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 33 центнердан ҳосил кўтарилиб, она-Ватанга 4640 тонна «оқ олтин сотилди. Топшрилган пахтанинг ҳаммаси биринчи сортга қабул қилинди.

Хўжам Жумамуродов, Қилич Жалилов, Қурбонбой Исмоилов, Урозбой Эшбоев, Урол Новшаева, Жонибой Мингбоев бошлиқ бригадаларда ҳосилдорлик гектар бошига 36-40 центнерга етди. Шу кунда улар 55-60 центнерлик марра учун курашни авж олдириб юбордилар.

Хўжаликда машина терими-га алоҳида эътибор берилмоқда. Умумий ҳосилнинг ярмидан кўпроғи «зангори кема»ларда териб олинди.

— Бригадаларда ва участкаларда пахта жуда кўп. Ҳали қўл тегмаган майдонлар ҳам бор. Ҳар гектар майдондан яна 17 центнердан «оқ олтин» териб олиб, ҳосилдорликни 50 центнерга, умумий хирмонни эса 7030 тоннага етказамиз. Ҳар куни йиллик планнинг 5,5-т проценти миқдорида пахта тайёрламоқдамиз.

Бу бизнинг етиштираётган пахтамиз Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 59 йиллиги байрамига муносиб туҳфамиз бўлади, — дейди колхоз раиси Ражаб Ҳасанов сухбатда.

Яхши ният ҳамроҳингиз бўлсин, азиз пахтакорлар!

Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ҚАЛИН КЎЧАТЛАР ХИРМОН КЎТАРМОҚДА

РЕПОРТАЖ

Совхоз директори ўз хонасига кириши билан унга янги маълумотларни тутқазишди. Бу — дастлабки машина терими илғорларининг рўйхати эди. Буни кўриб директорнинг қалби яна ҳаяжонланди. Ҳа, ўнинчи беш йилликнинг дастлабки йилига якун ясаладиган дамлар бошланди. Деҳқон тили билан айтганда, куз — галвирни сувдан кўтарадиган палла. Энди кимки ғайрат камарини маҳкамроқ боғласа, кимки тер тўкиб кўпроқ меҳнат қилса, тадбиркорлик кўрсатса марра ўшаники. Зероки, деҳқон учун йиғим-теримдан масъуллиятлироқ дамлар йўқ.

«Правда» совхози Сирдарё областининг йирик ва машҳур хўжаликларидан бири. Совхоз меҳнат аҳли тўққизинчи беш йилликда пахта етиштириш ва давлатга топшириш соҳасида мисли кўрилмаган ютуқларни қўлга киритди. Бу соҳадаги беш йиллик план уч йилдаёқ ошириб адо этилди. Мана энди совхоз меҳнаткашлари кўп йиллар мобайнида тўпланган бой тажрибаларга таянган ҳолда янада улкан довонлар сари дадил қадам ташламоқдалар. Ўнинчи беш йилликнинг дастлабки йилидаёқ улар совхоз тарихида рекорд ҳосил етиштириб, 5300 гектар ернинг ҳар гектаридан 32 центнердан ҳосил етиштириб, она-Ватанга пландаги 13628 тонна ўрнига 17 минг тонна «оқ олтин» армугон этиш йўлида фидоқорлик кўрсатмоқдалар.

— Бу йил ҳосилнинг 95 процентини машиналар ёрдамида йиғиб-териб оламиз, — дейди совхоз директори Карим Эшқулов. — Бунинг учун бизда шароит етарли. Йиғим-терим қизиган ҳозирги паллаларда совхозимиз далаларида 160 та «зангори кема» ишлаяпти. Шуларнинг 60 таси «Ўзбекистон» маркали 4 қаторли терим машиналаридир. Ҳар бир агрегатдан имкон борича унумлироқ фойдаланишга ҳаракат қилмоқдамиз. Шу мақсадда терим штурвалларини энг малакали, синовдан ўтган механизаторлар қўлига топширганмиз, 320 нафардан ортиқ механизатор ёрдамида ҳар бир агрегатдан 1,5-2 сменада фойдаланиляпти. 25 та транспорт трактори, 260 та тележка, 20 та «Колхида» юк машинаси терилган пахтани пешма-пеш тайёрлов пунктига етказиб туради. 50 нафар созловчи-слесарь, 40 нафар шпинделларни ювадиган ва 50 нафар пайкал бошига сув етказиб берадиган азаматлар кеча-кундуз механик-ҳайдовчилар хизматида. Хуллас, 160 терим агрегатининг ҳар бири билан ўртача 100 тоннадан ҳосил йиғиштириб олинганини тақдирда ҳам, совхоз хирмонига 16 минг тонна «оқ олтин» бункерлардан тўкилган бўлади. Биз бунга эришиш учун бутун имконларимизни ишга солмоқдамиз.

Биз совхоз дирекцияси ва партия ташкилоти томонидан белгиланган тадбирларнинг нақадар реал ва ҳаётий эканлигини амалий иш устида кўрдик. Улар айни пайтда ҳосилни ўз кучлари билан йиғиб-териб олиш учун катта кураш бошлаганлар.

Совхознинг 6-бўлимидаги Қўнғирбой Жойноқов бошлиқ бригадада бу йил машина терими байроғи биринчи бўлиб кўтарилди. 15 терим агрегати пахтазорда бир ярим кун жавлон урганидан кейин бригада плани ошиб-тошиб кетди. Биз бу ерга келган кунимиз эса бўлимнинг 15 азамат механизатори Абдулла Мажидов бригадасининг 61 гектарлик даласида шиддат билан от суришар эдилар. Бригада бошлиғининг кайфияти зўр.

— Бугун планни бажардик, — дейди у мамнуният билан. — Энди навбат мажбуриятга. Икки план миқдорида ҳосил берамиз.

Абдулла Мажидов бўлимнинг энг ёш бригадирларидан. Совхоз дирекцияси ва партия ташкилоти катта ишонч билдиришиб, уни ўтган йили 6-бўлимнинг 4-бригадасига бошлиқ қилиб тайинлашган эди. Мана энди ишонч билан айтиш мумкинки, у ўзига билдирилган ишончни шараф билан оқламоқда. Ўтган йили бригадада ҳаммаси бўлиб ҳосилдорлик гектар бошига 24 центнерданга тўғри келган эди. Бу йил эса ҳозирнинг ўзидаёқ ана шунчадан ҳосил олинди. Йиғим-терим эса ҳали қизғин давом этмоқда.

— Бу йил биринчи теримдаёқ ҳосилдорлик гектар бошига 28 центнерданга тўғри келяпти, — дейди бригада бошлиғи мамнуният билан.

Хўжалик раҳбарлари, бригада бошлиғи ва мутахассисларнинг айтишларича, бундай ажойиб самаранинг асосий сирларидан бири — қалин кўчат самарасидир. Совхоз меҳнаткашлари бу йил гектар бошига 180-200 минг тупдан кўчат қолдириб, уларни меҳр билан парвариш қилган эдилар. Мана эндиликда бу янги, илғор агротехник тадбир ўзининг ажойиб самараларини бермоқда. Совхоз бўйича ҳосилдорлик гектар бошига кам деганда ўтган йилдагидан 5-6 центнерданга юқори бўлаётир.

Совхозда машина терими группа усулида ташкил этилган. Ҳар қайси бўлимдаги машиналар икки группага бўлинган ҳолда, бир-бири билан мусобақалашиб иш олиб бормоқдалар. 6-бўлимда ҳам жами 16 та терим машинаси бор. Ана шу агрегатларнинг ҳаммаси бир жойда, бир йирик пайкалнинг икки тарафида жавлон урмоқда. Группаларнинг бирига Қаршибой Қудратов, иккинчисига эса Аҳмад Қаршибоев бошчилик қилмоқда. Уларнинг иккиси ҳам тажрибали, кекса механизатор, ёшларга ғамхўр ва кўмакдош. Улар ўзаро мусобақалашиб, кунига 10-12 тоннадан пахта термоқдалар.

— Йигитларимиз бўш келаётгани йўқ, — дейди иккинчи группа бошлиғи, тажрибали механизатор Аҳмад Қаршибоев — ҳозирга қадар 8 та агрегатнинг ҳар бири билан энг камида 7-8 тоннадан пахта теряпмиз. Қўнғирбой Жойноқов, Шералн Ўролов, Неъмат Жойноқовлар эса группада дастлабки кунданоқ пешқадамликни ўз қўлларига олдилар. Улар терим суръатини кун сайин ошириб, бошқаларга намуна кўрсатмоқдалар Юқори Чирчиқ ва учқўрғонликларнинг «Ҳосилни ўз кучимиз билан йиғиб-териб оламиз» деган ташаббусини қувватлаб, шу кечакундузда совхоз далаларида машина терими авжига минган. Айниқса, хўжаликнинг Номоз Ҳайитмаматов, Исов Алибоев, Мирза Шодиев, Эгамберди Ботиров ўртоқлар бошқарувчилик қилаётган бўлимларда иш суръати баланд. Донгдор «Правда» совхози меҳнаткашлари Ильич районидагина эмас, балки Сирдарё областида ҳам биринчилардан бўлиб, узоқ вақт давомида 14-15 иш кунида йиллик пахта тайёрлаш планини бажариш йўлида жонбозлик кўрсатмоқдалар.

Ш. УБАЙДУЛЛАЕВ,
А. УМАРОВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбирлари.

Ёзувчи ён дафтаридан

ИМТИҲОН

1

СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚА шартларини аниқлашаётганди. Сотиболди полвон ўрнидан даст. турди: бизнинг бўлим икки ярим минг, Абдуманнон Шаропов бўлими беш юз тонна... Навбаҳор пахтаси бу йил уч минг тонна бўлади, ёзиб қўяверинг.

Гуррос кулги кўтарилди. Полвон сесканиб тушди, кўзларини катта очиб қаради: кулги авждан тушмасди. У серрайганча туриб қолди.

Кейин, кулги босилгач, бўлим бошлиқларидан бири уни ўтқазмоқчи бўлди:

— Жиддий гап бораётибди, полвон ака, ҳазил сиғмайди.

— Езаверинг, оғайни, кунимиз бекор ўтаётгани йўқ чўлда. — Полвоннинг катта кўмачдай бетлари пир-пир уча бошлади, — ҳазилга бало борми!

— Жўжани кузда санайдилар, полвон ака. Ёз энди кирди, Қузгача не гап, сабр қилинг: ҳали қум босади, шўр қуйидиради, қолгани...

Полвон гапнинг охирини эшитмади. Қадамлари зил тортиб йўлиндан чиқиб кетди. Ишонишмаяпти. Эҳтимол, асослари бордир. Борликка бор, буни ўзи ҳам билади. Уч йил бўптики, улар етиштирган ҳосил ҳисобига қад кўтариб юрибди. Гапнинг ўғил боласи шу. Ҳозирча нонхўрсан. Аразга бало борми. Аммо нега калака қилишади? Одамлар экин ўстириш учун ҳарб-зарб ураётганларини наҳот билишмаса? Унинг оғзи қулоғига етиб илжайди. Кейинги вақтларда дейман, ўзлари ҳам хиёл шубҳачироқ бўлиб бораётибдилар шекилли...

Полвон қўли рулда, машинани тез ҳайдардию, шу билан гўё отланиб келган жаҳли жиловларди. Қўштепага келганда машинани секинлатди, кейин беихтиёр тўхтатди. Қўшни бўлим ғўзалари, оралаб қўйиш керак... Ғўзалар дуркун, барглари қалин, онда-сонда гуллабди, гулга етилаётгани тирбанд. Полвон хўрсинди.

У ғўза оралаб юриб йўларди: совхоз бу йил ўтган йилгидан тўрт минг тонна кўп хирмон кўтаради, яъни ҳар гектар ердан қирқ беш центнер пахта оламиз деб партияга, халққа сўз берган, яъни биз сўз берганмиз. Навбаҳор пахтаси шу ҳисобда. Демак, уч мингнинг ёнига кўшиш мумкину, камитиб бўлмайди.

«Мунча безовта бўлишади», эмиш! Бегона эмас, бир тананинг мучаларимиз-да. Бефарқ қарашмайди. Бир силкитиб қўйишди, сергак бўл деб. Бу бедорликка даъват!

Хўш, мана шу ерлар қачон очилган? Ўн йил бўлганми? Ҳар қалай, кўп ўтгани йўқдир. Ахир, ўз тақдирини шу ер билан, шу ерлик кишилар билан боғлашга аҳд қилиб келганида у мана шу Қўштепадан иш бошлаган эди. Ўшанда тупроқдан балчиқ ҳиди кетиб улгурмаганди.

«Совет Иттифоқи чемпиони Сотиболди полвон Знёдов бугундан бошлаб деҳқон...» — кўнглидан отилиб чиққан шу сўзлар, назарида, охирини кўз илгамас далада янгроқ солиб ҳали ҳам учиб юрибди...

У рулни маҳкам ушлаган, машина ғилдираклари ерга тегиб-теғмай учаётибди. Бугунги кенгаш уни тўлқинга келтирди. Айниқса, Акбар аканинг сўзлари. Сувчилар билан механизаторларга етказиш зарур: «Бу кунларнинг ҳар дами олтинга тенг, шу кунларда тўрғай чулдирамай пахтазор ораланг, эвазига олтин беради ғўзаларингиз». Ажойиб чол-да ўзи. Саксонга қараб бораётибдики меҳнат билан бардам. Меҳнатсиз ўтган кунни кун демайди у.

Пахтачилик янги даврда, дейишди. Терим даври сентябрь билан октябрь. Ундан кейингисини ҳисобдан ўчириб қўйинглар. Кўсак етилтиришни ҳам, барг тўктиришни ҳам шу ҳисобга тўғриланглар.

Акбар ака агрономнинг бу гапига ҳайрон бўлмади. Шундоқ келиши керак эди, кўрдик, шукур, деди. Неча йиллаб ранс бўлган, олдинга интилганни суягану, оёғидан чалмаган...

Сотиболди полвон Навбаҳорга борибоқ сувчиларга, механизаторларга айтади: «Вазифа аниқ, ўртоқлар, кўсакларни тирбанд, тўлиқ қиламиз, очилишини тезлаштирамиз!».

У машинани йўл четида тўхтатди. Ғўзага сув тараш учун қулоқни очаётган қотмагина йигитнинг ёнига келиб, елкасига қўл ташлади, ғўзаларни текис қондириб, суғоргани учун мақтади. Кейин, кўсакларинг қалай, деб сўради. Сувчи унга ишшайиб қаради.

— Ҳа, ғўзаларингни яхши ясат, буларга бедор қара, укам, олтин бу, олтин.— деди, кейин сўради: — Ҳалима қаёқда?

— Нариги бўлакда. — қисқа жавоб қилди у. Бошлиқни бу кайфиятда кўрмаганиданми, ҳайрон эди.

Ҳалима ғўзаларни ўғитлаб, сув тарашга очар солаётган, йўлдан анча олислаб кетган эди. Полвон пайкал оралаб юрди.

Ғурумсаройлик пахтакорлар орасида бир-бирини кўриб чумак урган қиз-жувонлар кўп. Бир вақтлари Умринисо Ҳайитова водий аёлларининг кўнглида пахтакорликка эътиқодни алангалатган эди. Кейинча унинг ўрнида майдонга Анорхон чиқди. Ўрта мактабни энди битирган оловқалб қизнинг ҳаёлига етиштириш ва машинада пахта теришдаги довруги республика комсомолёшлари ҳаракатининг тўлқинига қўшилди. Маҳфират ва Зулфиялар бу ишда Анорхонга йўлдош бўлишди.

Ҳалиманинг кўнглида механизацияга иштиёқни янгаси Анорхон уйғотди. У абжир механик-ҳайдовчи бўлиб етишди. Кейин уни Навбаҳор дашти ўзига тортди. У ҳозир чўлнинг илғор бригадири.

Ўтган йили шу карталарнинг ғўзаларини гоҳ шамол учирди, гоҳ қум босди, гоҳ шўр томоғидан бўғди. Қайта чиғит экиш ахири жонга тегди, бир амаллаб оз-моз бачки ўстирилди. Ўшанда Ҳалима айтган эди: майли, биз бу йил ҳам кўндик, аммо келаси йилга сени мажбур қиламиз, қиш бўйи шўрингни чўктирамиз.

Сотиболди шуларни ҳаёлидан ўтказар экан, чўлнинг тусини ўзгартираётган шу беминнат одамлар иродасига тан берди, пахтаниг етилиш муддати қисқараётганининг сабаблари, назарида, энди равшанлашгандай бўлди...

— Ана у, — деган товуш эшитилди йўл ёқасидан. Полвон сесканиб қаради, Аҳмаджон унга жилмайиб қараб турарди. — Юрт эгаси пахтазорда дедим-ку.

Одиловнинг ёнида обком секретари Маҳкам Камолов бор эди. Полвон югуриб бориб унинг қўлини олди. Шу пайкал уватида суҳбат бошланди.

— Ўтган йилги аҳволларингизни Аҳмаджон ака айтдилар, ҳароб бўлган экан, — деди обкомнинг биринчи секретари полвондан кўз узмай. — Бу йил пахталарингиз дурўст, кўрдим. Шу шароитда шунчалик ҳосил етказибсизлар, тоқатга, ўқувга балли. Ўзингизнинг чамангиз қалай, полвон, уч минг тонна чиқар-а, бўлимингиз пахтаси? — сўради ундан.

— Чиқади, Маҳкам ака. Ўзим ҳам кўнглимда шундай деб юрувдим.

— Демак, келишдик, сизнинг ҳиссангиз уч минг тонна.

Улар қўл олишди.

Аҳмаджон кулиб қарсак чалди.

ОСМОН бари аста қизара бошлади. Дарахтлар баргини шилдиратиб салқин ел келди; пишган олма ҳиди димоққа урилди. Аллақаерда кетмон дами тошга тегиб чақиллади, кейин кимдир: «этакдан хабардор бўл, ола оёқланмасин» деб қичқирди.

Чинор тагига «Волга» келиб тўхтади. Машинадан Поп район партия комитетининг биринчи секретари Абдимўмин Омонов тушди. У ёқ бу ёққа бир алангладида, юк машинаси олдида шай турган шофер йигит Отажондан сўради:

— Аҳмаджон ака бирон ёққа кетганмилар?

Отажон илжайиб елкасини қисди.

Аҳмаджон уйи Навбаҳор пахтасини бирга кўриб чамалашга чақирган экан.

Омонов иккимиз боғ йўлкасида гаплашиб юрдик.

Аҳмаджон уйда бафуржа нонушта қилиб чиқадиган бошлиқлардан эмас. зарур иш билан кеттандир. Шу фикр хаёлдан ўтдию, йўлка этагида ўзи кўринди: велосипедда, бошида кўлраиг шапка, пешонасига бостириб олган, афти-боши чанг. У велосипедни Отажон томонга ғилдиратиб борди-да, усти-бошини қоқиб, соатига қаради.

— Ҳайрият, кечикмапмиз, — деди. Шапкани шоферга иргитди: — Ҳали ўн минутча фурсат бор, акалар. Ювиниб, идоранинг майда-чуйда ишларини бажаришга ҳам улгурамиз.

Маълум бўлдики, директор ёз бошлангандан бери саҳарлаб велосипедда сувчилардан хабар олишни одат қилибди. Бугун тонг бўзара бошлаши билан радио орқали ўтказиладиган топшириқ-йўқламадан кейинроқ далага жўнабди.

— Ҳайрон бўлдим, ваъда дан похол ташлаб кетадиган одатингиз йўқ эди, — деди Омонов кулиб.

— Ваъдасиз бўлмаймиз, ака. Сиз келгунча бир оз иш битирдик. Энди билдим, велосипедда юриб туришнинг нафи кўп экан, — деди у. — Биринчидан, эрталаб туриб қирқ-эллик километр велосипед ҳайдаган кишининг мучалари баравар ишлайди. Кони соғлик бу, акалар. Иккинчидан, машина юролмайдиган уватлардан бориб, сувчи сизни ҳеч кутмаган жойда ҳозир бўласиз. Бу хил туйқус учрашувлар заряди икки-уч кунга етади. Учинчидан, кўнгил билан астойдил қилинган иш яхши унгани сингари, очиқ иштаҳа билан ейилган овқат яхши сингади. Нима дедингиз, ака? — У Омоновга савол назарини тикди.

— Маъқул гап, — деди у. — жўнадикми?

Бу орада Аҳмаджон идоранинг йиғилиб қолган қоғозларини кўздан кечирди, хатларни имзолади, тегишли одамларга топшириқ берди.

Отажон шайлаб турган машинага чиқилди. Стол ва стуллар қўйилган, термометр ҳам ўрнатилган.

— Очиқ машинада катта пайкаллар, кафтдагидек яқ-қол кўринади. — деди директор. Машина аста борар, у тик туриб теварак-атрофни синчков кузатарди. — Қаранг, эллик-олтмиш центнердан пахта беришга ваъда қилгач, ғўзаларини мана бундай ясатса экан. ана шу ерда бир тўхта, ука, — у машина капотини чертди, — туширишб кўрамиз. — Ғўзалар бўлиқ, қўсаклар тирбанд, кўпи етилган, пастки шохдагилари очилган. — Мана бу ҳосил, акалар. Ёзиб қўямиз: бригада одамларини мақташ, рағбатлантириш керак.

Кун тиккага келди. Иссиқ бошланди.

— Полвон йўл қараб тургандир, тезроқ борайлик, катта жой, кўришга кўп вақт кетади, — деди Омонов.

— Кутади, — Аҳмаджон мийиғида кулди: — ўраги така-тум...

— Нимага, бирон гап ўтдими?

— Ўтганда қандоқ, ие,— деди директор, — азмойиш оляпсизми, биласиз-ку?

— Эҳа, ўша гапми? — Омонов кулди.

— Полвон ўша гапдан кейин айниқса қаттиқ ўзгарди. Маҳкам акага ваъда бериб қўйдим, бу партияга берилган ваъда, Аҳмаджон ака, кам чиқса, нима деган одам бўламан, дейди. Ташвиши зўр. Мабодо икки-уч кун бормай қолсам, телефон қоқиб тинчлик бермайди. Кеча, батафсил кўриб, бир чамалаб беринг, деб туриб олди. Йўқ, деб бўладими?

— Масъулиятни сезса, ваъдасини муқаддас билса, яхши. Ундай одам панд бермайди.

— Сотиболдига ишонса бўлади. Абдимўмин ака. Ишнинг огир вақтларида ҳам чидади. Навбаҳорнинг шароитини ўзингиз биласиз. Йигитларнинг сарасиман, деб карилларганлар ҳам қатордан тўкилиб қолишди, — деди Аҳмаджон ўйчан ҳолда, машинанинг селпиб юришига тебраниб. — Улар иш енгил кўчганда, халқ назарида обрў топиб турганларида пешқадам эдилар, оталар йўлидан бориш биз учун муқаддас. деб кўкракларига уришарди.

Аҳмаджон жимиб қолди. Унинг назари йўл ёқаларидан, қумтепалар ортидан бошланган пахтазор ва шолизорларда. У чаккасини эзгилар, афтидан, сўзи тилининг учидаю тополмаётгандай.

— Биласизми, ўртоқ Омонов. — деди у хийладан сўнг райком секретарига: — Сотиболди тўрт йил олдин бизга келганда деҳқончиликка ҳам, ишни уюштиришга ҳам жуда ғўр эди. Агар, билсангиз, у Қўқон атрофидаги Қумбосди қишлоғидан. Отаси Знёд Азимовни курашда елкаси ер ишкамаган полвон ўтган дейишади. Аммо у киши, билганларнинг таърифича, эл орасида полвонлигидан кўра, совет ташкилотларидаги хизмати билан машҳур: Охунбобоевга ёрдамчи бўлган, район ижроқомининг раиси бўлиб ишлаган.

Сотиболди ўша кишининг ўғли; ўзбекча курашда ҳам, самбо ва классик курашларда ҳам йиқилмаган. Мамлакатнинг қайси шаҳрига бориб кураш майдонига тушмасин, фақат олқиш олиб чиққан. Бунинг устига у ГАИ инспектори.

— Мана Навбаҳорга ҳам етиб келдик, полвон кутаётибди, — деди у. Сотиболди турган томонни кўрсатди: — ҳў, ана, ариқ бўйида.

Аҳмаджон тўғри айтган экан: Сотиболди зўр ҳаяжонда, юраги кенг кўкрагига сиғмаётгандай.

— Роса кутдим-да аммо, — деди энтикиб, — ё йўлга тикилганда вақт секин ўтадимикан? Айтганда оғиз тўлсин деб, уч минг деворувдим, Ўзиям чакана ҳаракат қилмадик. Чўлчиларни айтинг, азаматлар, тунларни мижжа қоқмай сугоришди. Яна бир кўздан ўтказиб берингглар, зора сизларнинг назарларинг ҳам шу чўғга ўрнашса. «Навбаҳор» пахта пункти шу кузда уч минг тонналик бунт уйса, чакана бўлмасди-да, Абдимўмин ака...

Аҳмаджон Навбаҳорга келдию жимиб қолди. Сотиболдининг ҳаяжони гўё унга ўтган эди. У кўча ёқасидаги тагидан кўкланган бир туп чинор тепасига бориб чўккалади, ғуж ўсган новдачаларнинг майдаларини олиб ташлаб, икки дона йиригини қолдирди, ниҳол атрофини ўраб, парваришлашни полвоннинг шахсан ўзига топширди-да, чеккадаги бир қаватли уй рўпарасида хийла тикилиб турди. У нималарнидир пичирлар, у ёқдан-бу ёққа юрар, юзи жиддий, ҳатто шиддатли тус олар, кейин яна тўхтаб орқадаги қумтепага тикилиб қоларди.

...Катта қизил вагон-штаб ана шу ерга, қумтепа бағрига тикланган эди. Бу ерда одам қўниб яшаши, ишлаши мумкин бўлган бино, ҳаёт маркази шу эди. Мана шу Сотиболди, Тўхтасин, Усмонали, Жумонқул ва яна кўп йигитлар унинг ёнида эдилар. Совуқ, бўронли кунлар бошланган эди. Аммо ҳаммаларининг кўнглини зўр ҳаяжон кўтарар, шерлантирарди, улар на бўроннинг, на кийим-бошни тешиб ўтган совуқни писанд қилардилар, тўлиб-тошиб юрардилар. Уларни ернинг тусини ўзгартиришга партия йўлланган ва деган эдики: бу тупроқни даволанг, бунинг инсоннинг ҳаёт маконига айлантиринг!

Аҳмаджоннинг эсидан сира чиқмайди: у келаолиб тупроқни чангаллаб ҳидлаган, бурқсаган аччиқ шўр, чалчиқ ҳиди орасида димоғига умидбахш бир бўй урилган эди. Шу умид кучи ҳамма йигитлар дилини илитди. Уша етмиш учинчи йил қишида бу ерга партия раҳбар ходимлари келиб, чўлқуварларни руҳлантириб туришди. Ўзбекистон Компартия Марказий Комитети ва республика ҳукумати Навбаҳорни диққат марказида тутиб турди.

Мана шунга ҳали тўрт йил тўлгани йўқ. Аммо уч минг гектардан ортиқ ер экин етиштириладиган, инсонга ўз эҳсонини кўрсатадиган бўлди. Дарахтлар, шамол ва бўронлар кучини қирқадиган иҳоталар кўкаряпти. Мана ҳозир Навбаҳор ерларининг бу йил давлат хирмонига қўшадиган пахтасини кўз-кўз қиляпти.

Йўлдош ШАМШАРОВ.



ЖИЗЗАХ ОБЛАСТИ. Ғалла экадиган агрегатлар далага чиқди. Мирзачўллик деҳқонлар ерга барака уруғи қадашни бошлаб юборишди. Районда бу йил 1200 гектар майдонга кузги ғалла экилади. Бу ишда Абай номли совхоз миришкорлари пешқадамлик қилишяпти. Улар 250 гектар суғориладиган ерга ғалла экишни бир ҳафтада тугаллашга аҳд қилишган. Суратда: совхоз далаларида ғалла экиш.

В. Молгачев фотоси, (ЎзТАГ).

САБЗАВОТКОРЛАР ЗАФАРИ

УЛУҒБЕК («Совет Ўзбекистони» мухбири). Самарқанд райони миришкорлари эл дастурхонига 113 минг тонна сабзавот маҳсулотлари етказиб бериб, йиллик планни муддатидан олдин ошириб бажардилар. Бунга райондаги «Москва», Энгельс номли, Киров номли колхозлар, «Ленинобод», Чалинин номли, «КПСС XXV съезди» совхозлари улкан ҳисса қўшдилар. Йирик сабзавоткор «Москва» колхози 16 минг тонна, Энгельс номли колхоз қарийб 14 минг тонна помидор, карам, сабзи, пиёз, баклажон, бодринг каби сабзавот маҳсулотлари етказиб берди. «Ленинобод» совхозининг коллективи йиллик сабзавот тайёрлаш планини бир ярим баравар қилиб адо этди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг кўчма Қизил байроғини қўлга киритган самарқандликлар даладаги ҳосилни тезроқ йиғиштириб олиш ва давлатга яна 17 минг тонна сабзавот маҳсулоти етказиб бериш учун меҳнат вахтасида ғуриб ишламоқдалар. Консерва заводларига ҳамда тайёрлов ташкилотларига сабзавот маҳсулотлари топириш қизғин давом эттирилмоқда.

Л. ЭРҒАШЕВ.

БИЗНИНГ ИНТЕРВЮ

ДЎСТЛИК РАМЗИ

К. И. КОЧИН,
РСФСР Давлат нашриёт комитети Китоб савдоси бош бошқармасининг бошлиғи:

— Доҳиймиз В. И. Ленин китобсиз билим, билимсиз коммунизм бўлмайди, деган эди. Ҳақиқатан ҳам китоб оламшумул ғояларнинг тантанаси учун, порлоқ келажак — коммунизм учун курашнинг ғоят таъсирчан қуролига айланган. Бизнинг давримизда садоқат ва дўстлик рамзи бўлиб қолган китоб фаровон ҳаётимизга тамоман сингиб кетди, ҳар бир совет кишисининг ардоқли мулки, кундалик эҳтиёжи бўлиб қолди. Эндиликда мамлакатимизда, шу жумладан, РСФСРда чиқарилаётган китоблар бутун дунёга маълум.

Ўзбекистонда ўтадиган адабиёт ва санъат кунларига РСФСР Давлат нашриёт комитети ҳам катта тайёргарлик билан келмоқда. Ўзбекистон Рассомлар союзи кўргазмалар залида ташкил этилаётган китоб кўргазмаси фикримизнинг далили бўла олади.

Китоб кўргазмасининг «КПСС XXV съезди қарорлари — ҳаётга» бўлими ижтимоий-сиёсий, саноат, қишлоқ хўжалиги адабиётлари билан таништиради. «СССР халқлари қардошлик оиласида», «Ер юзида тинчлик учун», «Сўз усталари», «Китоб болани олам билан таништиради», «Дарсликлар ва ўқув-методик адабиётлар», «Россия нашриёти совғалари» каби бўлимлар китоб ихлосмандларига маъқул ва манзур бўлади, деган умиддамиз.

Кўргазма «СССР халқлари қардошлик оиласида» шиори остида ўтади. Бу ерда 1600-1800 нусхада китоб намойиш этилади. Шуниси характерлики, биз ўзбек китобхоналарига кейинги йилларда нашр этилган адабиётларни олиб келдик. Бунда, айниқса, КПСС XXV съезди материаллари бўйича чоп этилган адабиётлар алоҳида ўрин тутади. Бундан ташқари «Художник РСФСР» комбинатида тайёрланган рус ва совет рассомлари ижодидан намуналар ҳам кўргазма залидан муносиб ўрин олади. Шунингдек, РСФСР адабиёти ва санъати кунларида кўчаларда катта китоб бозори ҳам ташкил этилади. Совет адабиётининг атоқли ва таниқли намояндалари М. Шолохов, Р. Ғамзатов, В. Кожевников, К. Симонов, Г. Марков, Ю. Бондарев, В. Шукшин, Е. Евтушенко каби бир қатор адиб ва шоирларнинг янги асарлари ўзбек китобхонлари қўлига етади.

Биз 11 октябрь куни Ўзбекистон Рассомлар союзининг кўргазмалар залида очиладиган китоб кўргазмасига барча китоб ихлосмандларини таклиф этамиз.

ФИЛЬМЛАР ГУЛДАСТАСИ

Республикамизда ўтадиган РСФСР адабиёти ва санъати кунларига қатнашиш учун қардош рус кинематографиясининг бир гуруҳ намояндалари ҳам Ўзбекистонга келишади. Бу ерда РСФСР кинофестивали ўтказилади. Шу муносабат билан газетамиз мухбири Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Кинематография давлат комитети раисининг ўринбосари Қ. Ҳ. Эргашев билан учрашиб, суҳбатлашди.

— Республикамиз маданий ҳаёти солномасига зарҳал ҳарфлар билан ёзилиб қолинадиган муҳим воқеа — РСФСР адабиёти ва санъати кунларида Ўзбекистонда Россия фильмлари фестивали ҳам ўтади. Ҳозир Тошкентда ва республикамизнинг область марказлари, шаҳар ва район кинотеатрлари байрамлардагидек безанмоқда. Кинотеатрларнинг пештоқларида улуғ рус халқи адабиёти ва санъатининг арбобларини қутловчи, халқлар дўстлигини шарафловчи шиорлар, транспарантлар ял-ял товланиб турибди. Фойеларга рус кинематографияси арбобларининг портрети, фильмлардан олинган кадрлар файз киритади.

Кинофестиваль программасига мувофиқ республика кинотеатрларида РСФСР кинематографчилари сўнгги йилларда яратган кўпгина бадиий ва ҳужжатли фильмлар кенг намойиш қилинади.

Россия Федерацияси кинематографиясининг атоқли намояндалари қатор янги бадиий фильмлар гулдастаси билан келишади. Ана шундай фильмлардан бири «Ишонч» деб аталиб, уни «Ленфильм» киностудияси Финляндиянинг «Феннадафильм» фирмаси билан ҳамкорликда яратган. «Ишонч» бадиий фильми халқлар доҳийси Владимир Ильичга бағишланган. Фильмда доҳийнинг ғиш халқи тақдирига чуқур гуманистик муносабати таъсирли ифодаланган.

Тошкент шаҳридаги Санъат саройи, «Чайка», «Комсомол 30 йиллиги», «Москва», «Қозоғистон», «Нукус» кинотеатрларида, шунингдек, областларнинг марказларидаги кинотеатрларда «Мосфильм» ва «Ленфильм» киностудиялари ишлаб чиқарган «Ғолиб», «Менга сўз беринг», «Ютуқ», «Ҳимоя учун сўз», «Ва бошқа расмий кишилар» номли янги бадиий фильмлар премьераси ҳам ўтказилади. Премьералар уюштираётган кинотеатрларда томошабинлар шу фильмни яратган РСФСР кинорежиссёрлари билан ҳам учрашадилар.

Фестиваль кунларида Москвадаги ҳужжатли фильмлар Марказий студияси, «Ленкинохроника», «Центрнаучфильм», «Леннаучфильм» студиялари тайёрлаган ва КПСС XXV съезди қарорларини амалга ошириш йўлида совет халқи қилаётган фидокорона меҳнатни таранним этувчи хроникаль ва ҳужжатли лентали лар ҳам кўрсатилади.

Булардан ташқари, Ўзбекистон киномухлислари РСФСР адабиёти ва санъати кунларида СССР халқ артисти, СССР ва РСФСР Давлат мукофотлари лауреати Н. Мордюкова, СССР халқ артисти, СССР Давлат мукофоти лауреати И. Переверзев, СССР халқ артисти, СССР Давлат мукофоти лауреати Л. Смирнова, СССР халқ артистлари ва СССР Давлат мукофоти лауреати В. Санаев ва К. Лавров, РСФСР халқ артисти, РСФСР Давлат мукофоти лауреати Л. Чурсина, РСФСР халқ артисти П. Глебов, РСФСРда ҳизмат кўрсатган артистлар Л. Лужина, С. Светличная, Л. Хитяева, А. Кузнецов каби машҳур кино артистлари билан ҳам учрашадилар.

РСФСР кинофестивали шу йил 12 октябрь оқшомида Тошкентдаги Санъат саройида тантанали равишда очилади. Россия фильмлари кўриги халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва биродарликни янада мустаҳкамлайди, маданиятларимиз ҳамкорлигида янги босқич бўлиб қолади.

Реклама ВА ЭЪЛОНЛАР

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10— Эрталабки гимнастика. 10.30— Олга, болакайлар! 11.30 — **Мануэлнинг қарори** (бадиий фильм). 12.50 — Концерт. 15.00 — Ҳужжатли фильмлар. 16.10 — Рус тили. 16.55 — **Сир** (бадиий фильм). 18.00 — А. Н. Островский. «Момоқалдироқ». 18.30 — Москва ва москволиклар. 19.00 — Янгиликлар. 19.15 — Расмларда қуёш акси бор. 19.30 — Концерт. 20.00 — Дўстлик йўлларидан (олтинчи кўрсатув). 20.30 — **Сибирь** (бадиий фильм, 3-серия). 22.00 — **«Вақт».** 22.30 — **Футбол:** «СПАРТАК» (Москва) — «ДИНАМО» (Москва). 00.15 — Л. Сенчина куйлайди.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 — Ўқув кўрсатуви. 12.00 — **Дубровский** (бадиий фильм). 18.30 — Болалар учун телефильм. 18.45 — Ғазалхон ёшлигим. 19.15 — **«Ахборот».** 19.30—«Прогресс». 20.00 — Ўн минут музика. 20.10 — **«Ахборот».** 20.30 — **Футбол:** «ПАХТАКОР» (Тошкент) — «НИСТРУ» (Кишинев). 2-тайм. 21.20 — Концерт. 22.00 — «Вақт» (Москва). 22.30 — Пахтазор — мардлар майдони. 22.50 — Концерт. 23.20 — **Хоккей:** «БИНОКОР» (Тошкент) — «ИЖСТАЛЬ» (Ижевск). Учинчи бўлим.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.05 — Болалар учун фильм. 19.30 — Қотил шунинг ўзи (бадиий фильм). 20.45 — Тошкент янгиликлари. 21.00 — Ўқитувчилар учун консультация. 21.30 — Тошкент шоликорлари ҳузурида. 22.00 — «Кругозор». 22.30 — Фильм-концерт.

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Шимолий Осетия АССРда хизмат кўрсатган артист ЭМИЛЬ КИО рахбарлигида йирик иллюзион ревю гастроллари (19.30).

Кино

Халқ романи — САНЪАТ САРОЙИ. «НУКУС». «ВОСТОК» (кундуз ва кечкурун), «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ». «ЧАЙКА», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда), «ҚОЗОҒИСТОН» (12, 13, 14, 16, 17, 18, 19, 20, 21.00).

Ишончим комил — НАВОИ номли (кундуз ва кечкурун), «ДРУЖБА» (жуфт соатларда), «МОСКВА» (10, 11.30, 13, 14.30, 16, 18, 19.30, 21.00), «ҚОЗОҒИСТОН» (11, 15, 22.00).

●

Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлигининг ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ ТРАНСПОРТИ ВА ЙЎЛЛАРИ ИНСТИТУТИ

профессор-ўқитувчилар составидаги вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН КИЛАДИ

кафедра мудирлари — **жисмоний тарбия;**

кафедра доцентлари — **жисмоний тарбия, меҳнат муҳофазаси, автотранспорт экономикаси** (фан кандидатлари);

кафедра катта ўқитувчилари — **меҳнат муҳофазаси;**

кафедра ассистентлари — **чизма геометрия, йўл қурилиши материаллари, автотранспорт экономикаси.**

Конкурс муддати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, ГСП, К. Маркс кўчаси, 32-уй, кадрлар бўлими.

●

МАРКАЗИЙ «ПАХТАКОР» СТАДИОНИДА

8 ва 12 октябрь соат 19.30 да СССР биринчилиги учун

ФУТБОЛ

8 ОКТЯБРДА

«НИСТРУ» (Кишинев) — **«ПАХТАКОР»** (Тошкент)

12 ОКТЯБРДА

«СПАРТАК» (Иваново-Франковск) — **«ПАХТАКОР»** (Тошкент.

Билетлар сотилмоқда.

●

МАРКАЗИЙ «ЮБИЛЕЙ» СПОРТ ЗАЛИДА

8, 13, 14 ОКТЯБРДА СССР биринчилиги учун «А» КЛАССИНИНГ БИРИНЧИ ГРУППАСИДАГИ КОМАНДАЛАР ЎРТАСИДА

ХОККЕЙ

8 октябрь соат 19.00 да «ИЖСТАЛЬ» (Ижевск) — **«БИНОКОР»** (Тошкент)

13, 14 октябрь соат 19.00 да УРИЦКИЙ НОМЛИ СПОРТ КЛУБИ (Қозон) — **«БИНОКОР»** (Тошкент.

Билетлар сотилмоқда.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» ВА ЎзТАГ МУХБИРЛАРИ ХАБАРИДАН

АХБОРОТ ЯНГИЛИКЛАР, ВОҚЕАЛАР

ФАРҒОНАДА МАТБУОТ УЙИ

Фарғоналик журналистлар қурувчилардан ажойиб совға олишди. Шаҳарнинг хушманзара жойида уч қаватли матбуот уйи биноси қуриб фойдаланишга топширилди. Янги бинога областда чиқадиган «Коммуна» ва «Ферганская правда» газеталари редакциялари жойлашди. Матбуот уйи замонавий техника ютуқлари билан жиҳозланган бўлиб, унда телетайп хоналари, фотолабораториялар ҳамда газетани тез ва сифатли чиқариш манфаатларига хизмат қиладиган кўпгина қулайликлар мавжуд. Матбуот уйини 14-қурилиш трестининг 10-қурилиш-монтаж бошқармаси коллективи бунёд этди.

«ҚАЛБИ ОЛОВЛАР»

Ҳамза номли ўзбек академик драма театри премьераси — «Қалби оловлар» спектаклининг ўзига хос яратилиш тарихи бор. Москвалик драматург Н. Мирошниченконинг бу пьесасида ёшлар характерининг шакллениш проблемаси кўтарилади, топширилган ишга масъулият ҳисси улуғланади, бюрократизмга муросасиз бўлиш масалалари ўртага ташланади. Бу пьеса театрнинг комсомол ёшлари таклифига мувофиқ коллектив репертуарига киритилди. Инсон виждони рамзи бўлган оқ қуш ва ёшлик шарафи ҳақидаги бу спектаклни режиссёр Боҳодир Йўлдошев билан бирга Марат Азимов, Элёр Носиров, Дилбар Исмоилова, Дилбар Икромова, Гули Иброҳимбекова, Эркин Комилов, Жамшид Зокиров ва бошқа артистлар тайёрладилар.

Ҳамза номли театрнинг комсомол-ёшлари бу спектакль устидаги ишларини комсомол туғилган кунга бағишладилар. Коллектив шу спектакли билан «70-йилларнинг Корчагинлари» Бутуниттифоқ театр фестивалида қатнашади.

ШИРИН МАҲСУЛОТ— КОНВЕЙЕРДА

Республикадаги энг катта вино корхоналаридан бири — Красногвардейск комбинати янги ҳосил узумини қайта ишлашга киришди. Ширин маҳсулот ортилган машиналар кун сайин бу ерга келиб турибди. Комбинатдаги 16 та механизациялашган линиялнинг ҳар бири бир кеча-кундузда 20 тонна узумни қайта ишлайди. Узумни эзиш операциясида меҳнат унумдорлигини ошириш учун беш тонналик пресслар ўрнига ўн тонналик пресслар ўрнатилди. Машиналар махсус ускуналар билан таъминланганлиги туфайли ҳар 2-3 минутда уларнинг юки бўшатиб олинмоқда. Бу аввалгисидан беш баравар тезроқдир. Бу йил комбинат қирқ минг тоннадан кўпроқ узумни қайта ишлаш учун қабул қилиб олади.

Ховренко номидаги Самарқанд вино заводи ҳам ўз мавсумини бошлади. Виночилик пунктларидаги линияларнинг қуввати оширилганлиги ҳисобига бу ерда бултургидан уч минг тонна кўп узум қайта ишланади.



Фарғона районидаги Ҳамроқул Турсунқулов номли колхоз далаларида иш қизғин. Соҳибкорларнинг қўли-қўлига тегмайди. Узум узиш авжида. Жамолиддин Дадажонов етакчилик қилаётган бригада соҳибкорлари эл дастурхонига 162 тонна узум тортиқ қилиб планларини ортиғи билан ado этдилар. Боғларда ҳали шарбаттомар узумлар сероб. Боғбонлар шуни ҳисобга олиб, шаҳарликлар дастурхонига яна 20 тонна узум етказиб бериш мажбуриятини олдилар. Суратда: миришкор боғбон Пўлат ота Аллонов узумларни саралаб яшчикларга жойлаяпти.

М. Орипов фотоси.

ЯНГИ ШЕЪРЛАР

СОВҒА

Янги уйга кўчиб кирган дўстим, ассалом,
Салом сенга бахтли уйнинг латиф бекаси.
Сиз бугуннинг қувончидан мастсиз батамом,
Гўё янги хазинанинг саҳий эгаси.
Мен ҳам келдим Сизга олий истаклар билан,
Икки қўлда икки совғам, оддий ва арзон.
Унинг бири деворсоат — эзгуликка шаҳ,
Иккинчиси қандил эрур — рамзий армуғон.
Ушбу соат Сизга доим эслатиб турсин
Оналарнинг ва кунларнинг кўп чопоғонлигин.
Яхши дамлар шодлигини мудом қайд этсин,
Қувончлардан энтикканча чопсину лекин
«Чиқ» этган бир он бўлмасин совуқ ва нохуш.
Ҳар сония иқбол учун бўлсин бир муҳр,
Пойингизга ҳар қадамда ёғилсин олқиш,
Бахтингизга доя бўлсин мангулик меҳр.
Сиз биласиз, соат бугун кашф этилмаган,
Асрларни у бағрига этмишдир рақам.
У дамларнинг ўлчоларин кўрсатиб берган
Буюк ҳазрат Навоийнинг замонида ҳам.
Ҳар онда бир емирилиш бўлганда содир,
Еру осмон инграганда дарддан жонсарак,
Дақиқалар фиғонин ким ўлчашга қодир.
Нима бордир дилга малҳам вақтдан бўлак!
Иқбол қуши қўнганида бошга дафъатан,
Тақдир ўзи кўргузганда саҳоватини
Яна вақт қудратига берамиз биз тан,
Улчолмаймиз яна онлар саодатини.
Соат мили бир маромда йўрғалар лекин,
Лекин ортга қайтмас сира ўтган дақиқа.
Вақтнинг ҳам, иқболнинг ҳам бўлмас деб чеки
Совға қилдим соат Сизга мен шу тариқа.
Ва соатнинг ёнида бир қандил камтарин,
Тилакларим ёғдуларга айлаганман жо.
Соат билан қандил уйга бўлсин-да ҳуси
Вақт ва нур бир умрга тутинсин ошно!

ТУЙҒУЛАР

Илиқ эди эрта кўклам, тоғ ҳавоси мулойим,
Бор меҳрини тутар эди бизларга ер ва осмон.
Чўққиларнинг виқорини, тоғолчанинг чиройин
Кўзимизга сурта-сурта яйрар эдик беармон.
Саҳоват ҳам гоҳи-гоҳи бўлар экан омонат,
Тўла экан бу оламнинг бағри шовқин, сукутга.
Бир нафасда каҳр тўнин кийди қодир самават,
Шиша каби гардсиз осмон тўлди қора булутга.
Тоғу тошни гумбурлатиб қуюн келди, сел келди,
Аллакайда қарсилларди чўпонларнинг ўтови.
Баҳорнинг оқ чечаклари худди тутдек тўкилди,
Биз чинорлар панасида жон сақладик бир нави.
Ёқа ушлаб, «ё тавба» деб талвасага тушмадик,
Аҳир, энди кўряпмизми ёвуз селни, бўронни!
Биринчи бор бопалиқда дилга тушди илк ҳадик
Хоразмда бўрон туриб бузганида тўғонни.
Бир нафасда поймол бўлди Қоракумнинг этаги,
Кенг далалар сув остида қолиб кетди бир зумда.
Қўркиб, дук-дук урар эди менинг мурғак юрагим,
Хоразмни Амударё ютар эди наздимда.
Сувга боқиб уҳ-уҳ дея эгиб оппоқ бошини,
Енгинамда қўлим ушлаб бобом турар эдилар.
Даг-даг титраб ёнганимда кўриб кўзда ёшимни
Бу табиий бир офатдир, қўркма, болам, дедилар.
Офат кўрсам шундан кейин табиий деб ўйладим,
Бобом сўзи қулоғимдан кетмай қолди ҳеч нари.
Шу бир сўзни кеча-кундуз ҳаёлимдан қўймадим.
Шу бир сўзни такрорладим худди тўти сингари.
Гулшанларни қуйдирганда қонли уруш ёнғини
Қурбонларнинг меҳрин қумсаб ёш бағримни тилдим мен.
Александр Матросовнинг эшитганда донгини
Урушни ҳам, зафарни ҳам табиий деб билдим мен.
Йиллар менинг ҳаёлимни бола каби улуғайтди,
Қирчиллама йигит каби шаҳдам бўлди ўйларим.
Йиллар мени синовларда ўйлатди ва сўлайтди,
Юрагимнинг дардларига малҳам бўлди ўйларим.
Бор экан-да бу оламда адоват ва маломат,
Бор экан-да бу оламда ҳаёт ва ҳаётнинг ҳикмати,
Тилакларим ёғдуларга айлаганман жо.
Уфқ каби чек билмайди одамзоднинг ҳиммати
Чин инсонни ҳар жабҳада ғолиб демоқ жоиздир.
Табиатнинг офатларин енгар инсон қудрати.
Ақл доим курашдадир, юрак доим курашда.
Одам ўғли одамзод, эй, умрнинг бўлсин зиёда!

Эркин САМАНДАРОВ.

ТОЖГА КИМЛАР ДАЪВОГАР?

ШАХМАТ ШАРҲИ

Баъзан шахматчиларни ўйин услубларига қараб тоифага бўладилар. Бунинг асосида эса кўпроқ у ёки бу шахматчининг қай йўсинда курашишга мойиллиги ётади. Гроссмейстерларга нисбатан эса бу иборани табиийки, фақат шартли маънода ишлатиш мумкин. Масалан, жаҳон чемпионларидан Александр Алёхин билан Михаил Тални комбинациявий, Хосе Капабланка билан Михаил Ботвинникни эса позициявий услуб тарафдорлари сафига қўшадилар. Дарҳақиқат, Алёхин билан Таль ижодига хос ажойиб комбинациялар миллионлаб мухлисларни озмунча ҳаяжонлантирмаган. Ҳозир ҳам шундай. Капабланка билан Ботвинник яратган нафис системалар, чуқур маневрлар шахмат назарияси ва амалиётининг чинакам гултожидир. Услуб ҳақидаги фикр буларга нисбатан шартли деганимизнинг боиси шундаки, агар Алёхин «енгилмас» деб ном қозонган Капабланканинг эндшпилларни ўйнаш техникасини эгаллламаганда биргина ўткир комбинациялар билан уни «тахт»дан қулатолмас ёки Ботвинник ёш рақиби Тални ўз ёқўчасига бура олмаганда тожни қайтариб олиши амри маҳол эди.

Жаҳон чемпионлигига даъвогарлик қилиш учун ўйиннинг барча босқичларини бир текисда мукаммал эгалламоқ даркор. Кучини ана шу босқичларга (ўйиннинг боши, ўртаси ва охири) баравар тақсимлай олиш ҳам муҳим фазилатдир. Бу жиҳатдан якинда Филиппин пойтахти Манила ва Швейцариянинг Биле шаҳарларида бўлиб ўтган зоналараро турнирларнинг иккаласи ҳам характерлидир.

Ўн беш мамлакатдан Манилага йиғилган 17 гроссмейстер ва уч халқаро мастернинг аксарияти ёшлар эди. Айниқса Бразилиялик Э. Мекинг, югославиялик Л. Любоевич, америкалик У. Браун, СССР вакили В. Цешковский каби ёш гроссмейстерларнинг имкониятлари юқори баҳоланарди. Жаҳон экс-чемпиони Б. Спасский ва таниқли гроссмейстер Л. Полугаевскийнинг пешқадамлар сафида бўлишига шубҳа қилувчилар ҳам кам эди. Тож даъвогари даражасини берувчи учта йўлланма учун иштирокчиларнинг карийб ярмиси — ўн нафарча забардаст гроссмейстер ўртасида айниқса рақобат жиддий борди. Улар орасида бразилиялик ёш гроссмейстер Энрике Мекинг ҳар жиҳатдан ғолиб ва мусобақага шай эканлигини кўрсатди. Ўйиннинг дебют, миттелшпил ва эндшпил деб аталувчи барча босқичларини у бир маромда ўтказиб, мусобақанинг бошидан охиригача пешқадамлик мавқеини сақлашдек мураккаб вазифанинг уддасидан чиқди. 15 ёшидаёқ зоналараро турнир (1967 йил) иштирокчиси сифатида кўпчиликка танилган Мекинг орадан олти йил ўтгач, тож даъвогари даражасига кўтарилди-ю, лекин чорак ярим ҳалда енгилиб, саралаш мусобақаларидан вақтинча четлашди.

Чехословакиялик В. Горт пухта ўйинлари билан танилган гроссмейстер бўлса-да, Манилада бунчалик юқори кўтарилади деб ҳеч ким ўйламаган эди. Ижодида дадиллик аломатлари тантана қила бошлаган бу шахматчи тож даъвогарлиги йўлида дастлабки маррани забт этди: москвалик Лев Полугаевский билан иккинчи-учинчи ўринларни бўлишиб олди. Тажрибали совет гроссмейстери қийин бўлса-да, олдида турган шарафли вазифани ўрнлатди.

Югославиялик Л. Любоевич қобилиятли ёш гроссмейстерлардан саналса-да, кўпинча ўз имкониятлари сарҳадларидан ҳам ўтиб кетгиси келади. Шахмат қонунларини камситиш орқасида кўпгина истеъдод соҳиблари панд еб қолишган. Любоевич ҳам ўшаларнинг бири бўлди — йўлланмадан қуруқ қолди. Борис Спасскийга келсак, унинг айрим, айниқса энг кучли рақиблар билан ажойиб тарзда кураша олгани мухлисларни қувонтирган бўлса, сингалурлик мастер Л. Тан сингарилларга «хотамтойлик» билан яримтадан очко улашгани ажаблантирди.

Манила турнири якунланган куни Швейцарияда шундай зоналараро иккинчи турнир бошланиб кетди. Бунисида номдор шахматчилар кўпроқ, лекин куч жиҳатидан аксарияти бир-биридан қолишмасди. Турнирда ёши улуғ, машҳур шахматчилар ўз сўзларини ўтказишга қаракат қилдилар. 41 ёшли даниялик Бент Ларсен биринчи бўлди. Бундан ўн йилча муқаддам у асосий тож даъвогарларидан эканлигини амалда кўрсатган эди. Ушанда Полугаевскийнинг бошқаларга қарата: «Эҳтиёт бўлинглар, рўпарангизда Ларсен турибди!», — дегани кўпчиликнинг ёдида бўлса керак. Лекин нечисиз ютуқлар Ларсенни «бузди», Ғалабалардан талтая бошлаган бу шахматчи баъзан ўзини босишга, шахмат тахтасидаги вазиятни ҳалол ва тўғри баҳолашга қурби келмай қолди. Чунончи, 1970 йили Белградда Спасскийга 17 юришдаёқ ютказиб қўйгани-ю, бир йил кейин жаҳон чемпионлигига даъвогарлар ўртасидаги ярим финал матчда Фишердан 0:6 ҳисобида енгилганини эслаш кифоя.

Охирги учрашувлар пайтида зафар отига билиб қамчи босган жаҳон экс-чемпионлари Михаил Таль билан Тигран Петросян ҳамда венгриялик бақувват гроссмейстер Лайош Портишлар анча чарчаб қолган Василий Смислов билан талантли ёш гроссмейстер Р. Хюбнерни (ГФР) ўзларидан ярим қадам бўлса-да ортда қолдирдилар.

Халқаро шахмат федерацияси тасдиқлаган низомга кўра, бу уч шахматчи 9 октябрда Италиянинг Милан шаҳрида ўзаро қўшимча матч-турнирга киришадилар. Улар бир-бири билан тўрт мартадан куч синашишади. Учинчи ўринда қолгани кейинги курашлардан четга чиқади.

Бугунги кунда саккиз тож даъвогарининг тўрттаси аниқ: Б. Ларсен, Л. Полугаевский, Э. Мекинг, В. Горт. Яна иккитаси Милан матч-турнирида маълум бўлади. Қолган иккитасиچи? Собик жаҳон чемпиони америкалик Р. Фишернинг шахмат оламида қайта пайдо бўлиши гумон бўлиб қолган эди. Бироқ унинг якинда А. Каропов билан учрашгани мухлисларда Фишер ажиб доначаларга тағин қўл урса ажаб эмас, деган умид уғқунларни пайдо қилди. Борди-ю у ўйнамаса, ўрнига собиқ жаҳон чемпиони Борис Спасский қўйилса керак.

Саккизинчи йўлланма В. Корчнойники эди. Лекин у якинда онасининг юзига эёқ қўйган бадном фарзанддан ҳам юз чандон ҳунуқ иш қилди. Тарбиялаб воғга етказган, унинг шу даражага кўтарилиши учун бутун имкониятларни яратиб берган Ватанига хоинлик қилди.

Совет шахмат жамоатчилиги унинг хатти-ҳаракатларини қаттиқ қораламоқда. СССР шахмат федерацияси уни ҳамма унвонларидан маҳрум этишга қарор қилиб, жаҳон чемпионлиги учун бўладиган даъвогарлар мусобақаларидан четлатишни талаб қилди. Бу яхшиликка ёмонликни раво кўрган ватангадога нисбатан кўрилган ҳаққоний чорадир. Совет Иттифоқи, шу жумладан республикамиз шахмат жамоатчилиги халқаро федерация бу хусусда одилона ҳукм қилади, деган қатъий фикрдадир.

Миландаги мусобақа тугаши билан тож даъвогарлари узилкесил аниқланади. Улар ўртасидаги чорак финал матчлар эса келгуси йил бошларида старт олади. Кейин ярим финал, сўнгра финал матчлар ўтказилиб, ягона даъвогар кимлиги маълум бўлади. Ана ўша ягона муҳаффар 1978 йили жаҳоннинг ўн иккинчи шахмат тождори Анатолий Карпов билан яккама-якка беллашади.

М. МУҲИДДИНОВ,
СССР спорт мастери, Ўзбекистон шахмат федерацияси раисининг ўринбосари.

ФАКТ ВА ШАРҲ

ГУЛ БАЙРАМИ

Турмушимиз фаровонлашгани сайин янгича анъана, сайл ва байрамлар ҳам кўпайиб бормоқда. Лола ва наврўз сайллари билан бошланган тантаналарга кузакдаги қовун сайли ва ҳосил байрами шодиёналари уланиб кетади. Кейинги йилларда республикамизда гул байрами ўтказиш одат тусига кириб бормоқда. Бунда наманганликлар бошқаларга ибрат кўрсатишяпти. Якинда шаҳарда ўн олтинчи марта гул байрами ўтказилди. Қуйида шу байрам қатнашчиларидан бирининг таассуротлари билан танишасиз.

Серзавқ ўзбек халқи азалдан боғ қилиб, гулзорлар яратиш билан доғ тараттиб келган. Намангандаги гуллар кўргазмаси эса мен ўйлагандан ҳам зиёда бўлиб чиқди. Гул байрами халқ севган оммавий сайлларидан бири бўлиб қолган. Бу ерда оддий кунларда ҳам катта-ю кичикнинг қўлида ёки чеккасида алоатта, гул ёки райҳон кўрасиз. Байрам кунлари-ку қўл беринг. Шаҳарда атиргул ёки райҳон ўтқазмаган хонадон бўлмаса керак. Наманганнинг Пушкин номли маданият ва истироҳат боғида очилган гуллар кўргазмаси эса шаҳар гулзорларининг мўъжазгина андозаси эди, холос. Кумуш соқоллари кўксига тушган нуроний кексалардан тортиб, ясанган олган болаларгача эрта тонгдан то қош қорайгунча боғдан, гўзаллик ва нафосат байрамидан кетгиси келмасди. Шу боисдан гулчилик бўйича XVI шаҳар кўригида саксондан зиёд ташкилот иштирок этганига ажабланмаса ҳам бўлади.

Боққа кираверишда ниҳоятда зукколик билан анвойи гуллардан «Хуш келибсиз» деб ёзилган паннога кўзингиз тушади. Кўргазманинг ҳамма стендларида гул. Доҳий В. И. Ленининг, ишчи киши ва колхозчи аёлнинг турфа гуллар ёрдамида ишланган портретлари томошабинларда катта таассурот қолдирди. Гулчи-рассомлар ниҳоятда эҳтиёткорлик билан қумга ўтказган резги гулларда календарь, давлат Сифат белгиси, медицина эмблемаси, ҳар хил шиорлар ўз аксини топган. Мактаб ва болалар боғчалари, санаторий, дам олиш уйи ва медицина муассасалари, нон комбинати, машинасозлик заводи, шойи газламалар комбинати ва бошқа кўпгина ташкилотлар уйда ўстириладиган — хонаки гулларни намойиш этишди.

Тропик ва субтропик минтақаларда кенг тарқалган, қишин-ёзин очиладиган гуллар, ранг-баранг атиргул ва қўқонгуллар, шунингдек, хурмо дарахти сопол идишларда кўргазмага қўйилган. Наманганнинг донгдор гулчиси Семен Фараджиев кактус ишқибози. Кўргазмада унинг юз хилдан ортиқ кактус гули намойиш этилди.

Наманган область касалхонасининг гулчиси Турсунбой Шарипов эса Улуғ Ватан уруши мавзуида гуллдан махсус асар яратибди. Унда сапсарик гуллар билан «Улуғ Ватан урушининг қаҳрамон медикларига» деб ёзилган. Бу ёзув тўқ рангли гуллар фонида кўзга яқада яққолроқ ташланади.

Наманган шаҳар ижроия комитетининг кўкаламзорлаштириш комбинати ҳамда абрли газламалар комбинатига қарашли стендлар бошқалардан ажралиб турарди. Уларда ранг-баранг гуллардан ниҳоятда ажиб сурат ва портретлар бунёд этилган. 42-мактаб, 1-болалар уйи, область ёш табиатшуносларининг станцияси экспонатлари ҳам ниҳоятда бой. Ўйлаймизки, серқуёш республикамизнинг бошқа шаҳарларида ҳам гул байрамлари Намангандагидек мунтазам ўтказиладиган бўлади.

А. КИЯТКИН,
академик Р. Р. Шредер номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтининг гулчилик бўлими мудири.

Редактор ўринбосари Б. ЮСУПОВ.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ
Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР
БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000, ГСП, Тошкент, ЛЕНИН проспекти, № 41 * ТЕЛЕФОНЛАР
Коммутатор — 330249 дан 330258 гача
Эълонлар — 338142.
Р. 20226.
Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри.
Индекс 64583.
В. — 236.